

# HUQUQ

# 18

(437)


YURIDIK GAZETA

May

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



## Чоршанбадан чоршанбагача

25-27 апрель

Юртимизда Хиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингх расмий ташриф билан бўлди.

27 апрель

Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзо мамлакатлар маданият вазирилари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Маданият вазирилари кенгашининг бу гапги мажлисида ШХТ доирасида маданий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар муҳокама этилди.

28 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

30 апрель

Сойтаҳтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича 3-жаҳон чемпионатидаги старт берилди. Чемпионатда дунёнинг кўрққа яқин давлатдан келган 700 нафарга яқин кикбоксингчилар учун баҳс олиб боришди.

1 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2 май

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Покистон Ислам Республикасига жўнаб кетди.

# Эпчиллик байрами

4-9 май кунлари Қарши шаҳрида Республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

Бугунги кунда мустақил юртимизда соғлом авлод тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Бунга мактаб ўқувчилари, академик лицей ва коллежларнинг ҳамда олий ўқув юрларининг талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган уч бўғинли спорт мусобақаларини мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Бундай мусобақаларнинг ўтказилиши ёшларнинг жисмонан бақувват, соғлом ва ҳар томонлама етуқ бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг ҳам ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Ушбу нуфузли мусобақанинг бу йилги финал босқичига Қашқадар вилоятининг маркази — Қарши шаҳри мезбонлик қилмоқда. Унда саралаш баҳсларида голиб чиққан мамлакатимизнинг 2002 нафар ёш спортчилари ёки бошқача қилиб айтганда ҳар бир вилоятдан 143 нафардан ўғил-қиз спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашади.

Қарши шаҳрида ўтадиган беллашувлар бир қанча жиҳатлари билан аввалгиларидан фарқ қилади. Жумладан, бу сафар илк маротаба барча беллашувлар фақат Қарши шаҳрининг ўзида ўтказилади. Масалан, 2003 йилда Хоразмда ўтган мусобақалар фақат вилоят маркази — Урганч шаҳрида эмас, балки вилоятнинг бошқа

туманларида ҳам ўтказилган. Бу эса ташкилотчиларга биров қийинчилик туғдирган. Тўрт кун давом этадиган бу «Кичик олимпиада»да бу сафар илк маротаба спорт гимнастикаси бўйича ҳам мусобақалар бўлиб ўтади.

Шу пайтгача мусобақада голиб чиққан жамоага фақат «Тико» ва «Damas» автомобили топшириб келинган. Қаршида ўтадиган мусобақада эса илк маротаба Президент совғаси сифатида 2 та «Nexia» ва 3 та «Damas» автомобили голиб жамоаларга топширилиши режалаштирилган. Шу билан бирга ўн икки спорт тури бўйича шахсий биринчиликда олтин медалга сазовор бўлган ҳар бир чемпион ўқувчига велосипед совға қилинади.

Мусобақа катнашчиларининг спорт беллашувчиларидан бўш вақтларини кўнгилли ўтказиши ташкилотчиларнинг эътиборида. Жумладан, республика «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ижодий гуруҳи спортчиларнинг дам олишлари мазмунли ўтказишга шай туришибди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам ишчи гуруҳи тўзилган бўлиб, унинг таркибига вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ўзбекракс» Қашқадар вилоти бўлими, вилоят сайёҳлик-экскурсия бюроси вакиллари киритилган. Улар спортчиларнинг турар-жой масканларида

ҳам турли тадбирлар режасини белгилаб, уларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишини таъминлайдилар.

Мусобақа иштирокчилари учун 11 та турар-жой маскани тайёрланган бўлиб, уларда ёшларнинг яшашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Маънавият ва маърифат хоналари, кутубхоналар, интернет марказлари, машқ хоналари жиҳозланган.

Ҳар кун соат 19.00 дан 21.00 гача спортчи ёшлар ва меҳмонларнинг маданий дам олишлари учун вилоятнинг таниқли санъаткорлари, мусиқий ансамбллар, фольклор этнографик дасталари иштирокида концертлар уюштирилади.

Мусобақа кунлари вилоятимиз меҳмонлари Қарши шаҳрининг диққатга сазовор жойларини, Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой, Кўкғумбаз, Чубин, Доруссаодат каби тарихий обидаларни зиёрат қиладилар. Бир сўз билан айтганда, «Умид ниҳоллари — 2006» иштирокчилари ва меҳмонлари нуфузли спорт байрамида катнашиш билан бирга кўнгилли дам оладилар, буюқ Соҳибқирон бобомиз Амир Темур тугилиб ўсган юрт, унинг одаллари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
журналист

## Қарор ва ижро

Алишер ҲУСАИНОВ,  
Наманган вилоят прокурори

# Оқибат унутилганда...

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат тўла маънода инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Шу боис ҳам ёш авлод тарбиясидан тортиб, ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар, ёқма-ёлғиз кексаларни ижтимоий ғўйма қилишга катта эътибор қаратиляпти. Биргина Наманган вилоятининг ўзида мана шу мақсадда ўтган йил давлат бюджетидан 20,3 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йилнинг биринчи чораги учун 11,7 миллиард сўм молиялаштирилган. Кўриниб турибдики, кўп болаи оилалар учун давлат ажратаётган маблағ йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мазкур масаланинг долзарблигини, адолат мезони бузилишига йўл қўймаслик ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири эканигини инобатга олган ҳолда Республика Бош прокуратурасининг жорий йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган режаси асосида жойларда

кенг қамровли текширишлар ўтказилди.

Хўш, ажратилган маблағлар эгаларига етиб бораётими? Ҳуқуқимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ғўйма қилиш масалаларини ташкил этиш тўғрисида»ги ва «Болаи оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари вилоятда қандай ижро этиляпти?

Афсуски, текширишлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг ҳузуридаги 2-18 ёшгача фарзандлари бор оилаларга нафақа, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш комиссиялари томонидан фуқаролардан келиб тушган аризаларни белгиланган муддатда кўриб чиқмаслик, асоссиз рад этиш, мансабини суиистъом қилиш, вазифаларини лозим даражада бажармаслик, ҳатто бюджет маблағларини талон-тарож қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўрсатди. (Давоми 3-бетда).

## Reportaj

Сурхондарё вилоят прокуратурасининг мажлислар зали ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Вилоят прокуратураси бўлим раҳбарлари, маҳкаманинг барча прокурор ходимлари ва туман-шаҳар прокурорлари навбатдаги хайъат йиғилишига тўпланишган. Мазкур тизимда турли лавозимларда ишлаб, ҳозирда қариллик нафақасига чиққан Жўра Каримов, Омон Луқмонов, Жўра Азимов ва Тўхтасин Киёмов каби фахрийлар ҳам кўр тўкиб ўтиришибди.

# Қасамёда қабул қилишдан

— Сафимизга 2005 ва 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида дастлабки аттестация синовларидан муваффақиятли ўтган 10 нафар ёш мутахассис кўшилди, — деди тадбирни очар экан вилоят прокурори лавозимини бажарувчи Б.Эргашев. — Ижозатларингиз билан аввало масъулиятли лавозимларга тайинланган ана шу навқирон ҳамкасбларимиз «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 44-моддасида қайд этилган қасамёдни тантанали равишда қабул қилишса.

Шундан сўнг ёш ходимлар сафга тизилишди. Жарқўрган

туман прокурори ёрдамчиси Алишер Тоғаймуродов, Термиз шаҳар прокурори ёрдамчиси Уллубек Абулқосимов, Музработ туман прокуратураси терговчиси У.Элмуродов ва бошқалар навбат билан минбарга чиқиб, қасамёда қабул қилишди: «...Уш хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришга, қонунбузилишга қарши муросасиз курашишга, фуқаро, жамяят ва давлат манфаатларини ғўйма қилишга тантанали қасамёди қиламан».

Ҳар бир ёш прокурор — тергов ходимлари қасамёда қилганда гулдирос қарсақлар янграб

туради. Уларни гуллар билан самимий табриқлашди:

— Ҳурматли ҳамкасблар, укалар, — деди прокуратура фахрийси Ж.Каримов уларни кутлар экан. — Прокуратура — табарруқ даргоҳ, Ҳалоллик ва поклик сизларнинг ширингиз

бўлсин. Камтарга камол деган гап бежизга айтилмаган. Камтар бўлингизлар. Шунда доимо ишларингиз ўнгидан келади. Барчангизга омад тилайман.

Баҳриддин Эргашев тадбирни якунлар экан, ёш мутахассисларни келгусидаги халқ ва Ватан олдидаги қасамёдларини унутмасликка, касбга садоқатли бўлишга ва қонунларга риоя этишда шахсий намуна кўрсатишга даъват этди.

Уйлаймизки, бу кун ёш ходимлар хотирасида абадий муҳрланиб қолади.

Қурбон ЖУРАНАЗАРОВ,  
«Нуқуқ» муҳбири

### СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАВАР ҚИЛАДИ

Тошкент туманида яшовчи фуқаро С.Мирсоидовнинг уйда ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 8 млн. 125 минг сўмлик 28 турдаги аёллар кийим-кечакларини сотиш мақсадида сақлаб келаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, у чет элдан ишлаб чиқарилган бу товарларни Қозоғистон Республикасидаги божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали олиб ўтган экан. Товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Кўрғонтепа туманидаги «Намуна» ШХ бошқаруви раиси С.Бобожонов, собиқ бош ҳисобчиси М.Юлдашев, собиқ ombor мудир И.А.Сайдвалиев, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Мирзаева ва «Пилла» Давлат корхонаси собиқ бош ҳисобчиси Й.Бегбоевлар олдиндан ўзаро келишиб, «Намуна» ШХнинг 9 млн. 414 минг сўмлик 7653 кг. ўров қозғолар ва 772 метр бўз матоларини ҳужжатлари сохташтираш йўли билан талон-тарож қилганликлари аниқланди.

Кўкон шаҳрида фуқаро Р.Ирматов бошқарувидаги «ВА3-2106» русумли, 15 S 79-18 давлат рақамли автомашина текширилганда унинг салоини И.Ирматовага тегишли 275 минг сўмлик 500 дона дори воситалари топилди. У ушбу дори воситаларини Кўкон шаҳар Элакбоф кўчаси 1-уйда яшовчи қариндошининг уйда қўлбола усулда тайёрлаб келганлиги маълум бўлди. Текширувда Л.Ирматова назорат қилинмайдиган 1 млн. 83 минг сўм даромад олганлиги аниқланиб, ундан 1 млн. 344 минг сўмлик дори воситалари, 2045 дона ампулалар, 1297 дона этикеткалар, 1 дона трафарет қолип ва 20 дона муҳрлар далилий ашё сифатида олинган.

«Турон банк»нинг Олот туман валюта айрибошлаш шахобчаси мансабдорлари жорий йилнинг уч ойида жами 17150 АҚШ долларини ноқонуний равишда валюта қимматликлари олмаган фуқаролар номига расмийлаштириб, ҳужжатларни қалбақлаштирилганликлари аниқланди.

Шовотлик И.Сатимов «Дельта» ХК раҳбари лавозимда ишлаб келиб, 2005 йилнинг январь-сентябрь ойларида 95 млн. 521,8 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлса-да, туман солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларда 100 минг сўм кўрсатиб, 95 млн. 421 минг сўмлик товар айланмасини яширган. 2005 йил октябрь-декабрь ойларида эса 27 млн. 211 минг сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, туман солиқ инспекциясига ҳисобот тақдим этмаган. Бу билан 3 млн. 320 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Андижон туманида яшовчи У.Нетьматов ўзбошимчилик билан газ тармоғига уланиб, ўз уйда хонаки усулда нефт маҳсулотини қайта ишлаш йўли билан «соларка» ёқилгиси ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганлиги ва бу билан «Андижонтуманга» корхонасига 1 млн. 332 минг сўмлик зарар етказганлиги аниқланди. Унинг уйдан 300 литр нефт, 1 дона қўлбола ускуна, турли ҳажмдаги идишлар, «ВА3-2103» русумли, 17 I 63-92 давлат рақамли автомашина, 390 метр электр кабели ва 280 метр елим шланглар далилий ашё сифатида олинган.

Юқоридagi барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Энг асосийси, давлат бюджетининг катта қисми айна таълим соҳасига йўналтириляпти. Хўш, соҳага ажратилаётган маблағлар қандай ишлатилмоқда? Келинг, фикримизни бир мисол билан давом эттирайлик.

Жуманазар Хусанов 2000 йил 14 августдан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази бошлиги лавозимда ишлаб келган даврида ваколатидан ғараз мақсадларда фойдаланди. У Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-қарори билан тасдиқланган, шунингдек, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими марказининг низомида қатъий белгиланган вазифаларга зид равишда фаолият юритди. Гап шундаки, Ж.Хусанов 2000 йил 5 октябрь кўни таълим маркази қошида-

ги «Илм ва зиё» ҳўжалик юритувчи унитар корхонасининг янги таҳрирдagi низомини ишлаб чиқиш тўғрисида 199-буйруқ чиқариб, қонунга хилоф равишда мазкур низомининг 5.1-банди билан марказнинг 500.000 сўм маблағини устас фондиди ташкил этиш учун унитар корхонанинг ҳисоб-рақамига ўтказиб берган. Натижада 2000 йил давомида «Илм ва зиё» УК томонидан лицей ва коллежлар учун дарсликлар қиймати устамалар қўйилиб, қиммат-

лан дарсликларнинг қиймати устамалар қўйган ҳолда 22.424.100 сўмга қимматлаштириб етказган. Шунингдек, у қонунга зид равишда 2003 йил 18 июн кўни «Крокус газ сервис» қўшма корхонаси ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази ўртасида тузилган шартномага мувофиқ 300.000.000 сўм маблағни қарз сифатида йиллик 30 фоиз устам тўлаш шарти билан уч ой муддатга корхона ҳисоб-рақамига ўтказиб берган. Шартномага зид равишда шартнома

қилишлари ҳам фoш этилди. 2003 йили Осиё тараққийот банки томонидан берилган кредитлар ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар доирасида ўқув жиҳозлари харид қўриқсига борасида теңдерда қатнашавтган Германиянинг «Lempeк GMBH Co kg» компанияси, унинг Ўзбекистонда тегишли идоралардан рўйхатдан ўтмасдан фаолият қўрсатаётган вакили Баҳриддин Муродов билан тил бириктирган. Теңдерда қишлоқ ҳўжалиги ўқув жи-

ҳозлари ва техникаси йўналиши бўйича ушбу компания билан шартнома тузилган тақдирда 50.000 доллар, пайвандаш ва автомобиль ўқув жиҳозлари йўналиши бўйича шартнома тузилган тақдирда 30.000 доллар, жами 80.000 АҚШ доллари Ж.Хусановга пора тарикасида берилиши келишига. Жиноий уюшманин қилишлари рад этиб бўлмайдиган далиллар ёрдамида фoш этилди. Халқимизда кўза кўнда эмас, қўнида синди деган нақл бор. Дарҳақиқат, суд ҳўжма билан айбдорларга тегишли жазо тайинланди.

Неъмат КУЧКАРОВ,  
Республика Бош прокуратураси  
бошқарма прокурори

# Текин есан...

лаштирилган ҳолда сотилган. Бу билан фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига 477.600.000 сўм миқдориди моддий зарар етказилган.

Ж.Хусанов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-қарорининг 9-бандига асосан лицей ва коллежлар учун дарсликларни сотиш Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг ўрта-махсус касб-ҳунар таълими марказининг зиммасига юклатилган бўлса-да, «Илм ва зиё» унитар корхонаси би-

муддатини асоссиз равишда бир неча бор узайтирган. «Крокус газ сервис» қўшма корхонаси томонидан олинган қарзнинг 100.000.000 сўми ва устам фoизларининг 61.291.000 сўми ўз вақтида қайтарилмаган. Шартноманин 5.2 ва 5.3-бандларида назарда тутилган миқдорда вақтида қайтарилмаган қарз ва пеняларни ҳисоблаш ва ундириш чораларини қўрмасдан давлат манфаатига жами 30.876.100 сўмлик моддий зарар етказиб, ушбу пул маблағларини мақсадсиз ишлатган.

Тергов давомида унинг бошқа



Республика Бош прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиги Босит Иноғомов навбатдаги йиғилишини ўтказаяпти.

## Тўлов интизомини бузганларга жиноий жавобгарлик ҳам кўзда тутилган

Электр энергияси учун тўловларнинг пайсалга солиниши ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бирига айланди. Униҳал этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштиришига оид қарори қабул қилинди. Унга қўра барча юридик шахслар электр энергияси ҳақини ой ўтгандан сўнг ўттиз кун ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ислохот ўтказилиши муносабати билан 2005 йилнинг 31 декабр кўни айрим қонун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ЖК электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қонунлари билан бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи 185-модда билан тўлдирилди. Энергия тармоқларига ўзбошимчилик билан уланган, ҳисобловчи асбобларга қасддан шикаст етказган, уларнинг кўрсаткичларини ўзгартирган шахсларга зарар миқдорига қараб энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тўзатиш иши ёхуд 3 ойгача қамoқ жазоси тайинланиши белгиланди. МЖТКнинг 100, 101, 102

ва 103-моддаларида электр энергиясидан фойдаланишдаги ҳўқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари кўрсатилган. Хусусан, 100-моддага мувофиқ электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, таъминотчидан рўхсат олмасдан ишлаб чиқариш жараёнида назарда тутилмаган бошқа мақсадда ёки хўжасизларга фойдаланишга йўл қўйган мансабдорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баробаригача жарима солинади.

Андижон вилоят прокуратураси энергия ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижросини режалести асосда ўрганиб борапти. «Андижон электр тармоқлари» акционерлик жамияти чилангари У.Ш. (жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинаётгани туфайли исм-фамилияси тўлиқ келтирилмади) истемольчилардан йиққан 316.000 сўмини қассага топширмай, ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган. Андижон шаҳрида яшовчи Р.Ф. бўз ва сурни оқлаш ҳамда бўшида газдан ноқонуний фойдаланиб, таъминотчи корхонага 1,2 млн. сўмлик зарар етказган. Шу йилнинг 1 мартига вилоятда истемольчилар электр энергиясидан 47,6

милрд. (мўлдан, аҳоли 17,5 млрд.), табиий газдан 13,3 млрд. (аҳоли 11,9 млрд.) сўм қарз бўлиб қолишган. Тўлов муддатини ўтказиб юборган мансабдорларга нисбатан маъмурий ва жиноят ишлари қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси энергия ресурсларидан фойдаланиш билан бирга бошқа муаммоларни ҳал этиш борасида ҳам фаол иш юрияттапти. Шу йилнинг ўтган 3 ойида хўжалик судларига қўрилган 1687 та ишнинг 79 фоисида прокурорлар иштирок этишди. 3 млрд. 443 млн. сўмини ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди. Шундан 2 млрд. 449 млн. сўмини ундиришга оид 86 та даъво қаноатлантирилди.

Ижара шартномаларини бажармаган, мол-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган, белгиланган муддатда устас жамғармасини шквалантирмаган корхоналарнинг тугатилиши, газ ва электрдан фойдаланишда тўлов интизомининг бузилиши билан боғлиқ ишлар сайёр суд мажлисларида прокурорлар иштирокида қўриб чиқилмоқда. **Р.АБДУЛЛАЕВ,** Андижон вилоят прокурорининг ёрдамчиси

## Фирибгарлар

Кейинги йилларда аёллар содир этадиган жиноятлар ичида давлат мүлкини талон-тарож қилиш, ўғирлик, гиёҳвандлик, фoҳишалик, фирибгарлик кўпроқ ўчрамоқда. Аёлларнинг жиноий ҳўлки жамиятга, оилага, ундаги муҳитга гоят салбий таъсир қўрсатишини миобатга оладиган бўлса, аёллар жиноятчилиги маибаларини, хўсусиятларини, қандай йўллар билан уларнинг олдини олиш мүмкинлигини ўрганиб чиқиш қанчалар долзарблиги аниқлашди. Маълумки, аёлларнинг жиноий ҳўлки эркакларникидан жиноят содир этиш усули, унда ишлатиладиган қурол, жиноятнинг миқёси, тажовуз жабрланувчисини таллаш билан фарқ қилади. Ҳозирги кўнда содир этилаётган барча жиноят турларида ҳам аёлларнинг хиссаси борлигиндан кўз юмиб бўлмасан-да, фирибгарлик аёллар жиноятчилигида алоҳида ўрин тутади.

«2003 йил 4 август кўни соат тахминан 12<sup>00</sup> да Содикова Нодира ва Юнусова Замира қилинган тил бириктириб, Акмал Икромов тумани (ҳозирги Учтепа)даги хонадонлардан бирига келиб, фуқаро М.Йўлдошевга тегишли 871.000 сўмлик тилла тақинчоқлар, аёллар кийимлари ва чинни идишларни сотиб берман деб олиб кетганлар. Кейинчалик 149.000 сўмлик буюмларни қайтариб бериб, 191.000 сўмликнинг пулини ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлар. Бундан ташқари иккала фирибгар шу туманда истикомат қилувчи М.Ориповга тегишли 1.116.500 сўмлик аёллар кийимлари ва чинни идишларни сотиб берман деб алдаб олиб кетиб, уларнинг маълум қисминини сотилмади деб қайтариб беришган. Қолганларини сотиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган».

Иккала «фирибгар» суд томонидан тегишли жазога тортилди. Аммо мен ўқувчилар диққатини жиноятни содир этиш усулига қаратмоқчи эдим. Кўриниб турибдики, фирибгарлар аввало жабрланувчининг ишончига кириб, сотиладиган нарсаларни олишади. Бунда улар «ўзларнинг беваллигини, 3-4 болани едириб-ичириш ва кийинтиришининг ўзи бўлмаслигини, шу боис бировларнинг нарсаларини сотиб бериш йўли билан 4-5 сўм топаётганлигини» рўқач қилишади. Янада ишончлироқ бўлиши учун олинган нарсаларнинг бир қисминини «опажон» бу молларни ўтказса олмаяман, ҳатто ярим нарҳига ҳам олишма-япти» деб қайтариб беришади. Қолганларини эса «харидорларга топшириб қўйдим, аммо ўзингиз биласиз, қўлгизна ишхоналарда ойлик анча кечикаяпти, қўлларига пул тўшган захоти келтириб беришди» деб ваъдани қўюқ қилишади. Уларнинг бунчалар жонқуярлигидан ийиб кетган жиноят қўрбонлари нарсаларининг пули келишини оилаб-йиллаб кўтиб юришаверади. Ниҳоят, сабр қосасти тўлгандан кейингина ҳўқуқни муҳофазаси қилиш органларига мурожаат қилишади. Аммо алданганини жуда кеч англашади, зеро фирибгарлар қўлича қалбаки ҳўжатлар қўрсатишда ёхуд қўрбонга ўзи яшаб турган хонадонни қўрсатган тақдирда ҳам у ерда вақтинча ижарада яшаган бўлиб чиқади. Қилғилкини қилиб, жунаворган фирибгарни топиш нафақат қўрбонга, балки ҳўқуқни муҳофазаси қилиш органларига ҳам жуда қийин кечади. Шу боис фуқароларнинг фирибгарлар домига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида улар топширган мол-мулк билан савдо қиладиган комиссия дўконлар сонини қўпайтириш лозим деб ўйлайман. Шунда фуқароларимиз ўзларига керак бўлмай қолган нарсаларни қўтариб, «Ипподром қайдасан, Янгибоб қайдасан» деб сарсон бўлишмайдилар. Паспорти билан бориб, нарсаларини дўконга топширишди. Бу эса уларни, биринчидан, «қолис хизмат қилувчи» фирибгарлар домига тушиб қолишдан сақласа, иккинчидан, ҳўжжати, ўғирланган молларни билмасдан сотиб олиб қўйишдан сақлайди, чунки бундай дўконларда ҳўжжати билмас моллар қабул қилинмайдилар.

Бундай дўкондагиларнинг ўзлари ўғирлан билан тил бириктириб, молдини сотиб беришининг олдини олиш учун уларнинг фаолияти белгиланган муддатларда текшириб турилса қийоф. Сиз бунга нима дейсиз?

**Б.ТУРСУНОВ,**  
Учтепа туман прокурори

(Давоми. Бошланғичи 1-бет).

Хусусан, ўтган йили вилоят бўйича нафақа ва моддий ёрдам сўраб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги комиссияларга 275.688 та ариза келиб тушган бўлса, шундан 39.088 таси турли сабабларга кўра рад этилган. Комиссия аъзолари вазифа-сига совуққонлик билан қарашли оқибатда рад этилган аризалар юзасидан қабул қилинган 330 дан ортиқ қарор қонунга зид деб топилди. Бунинг натижасида вилоят бўйича 18,9 млн. сўм нафақа ва ёрдам пули тайинланмай қолган. Бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган. Зиммасидаги вазифани лозим даражада бажармасликдан чаларқимматта тушишини мана шу биргина мисолдан ҳам билса бўлади. Наманган туманидаги «3-Ирвадон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ф.Муталлиев раҳбарлигидаги комиссия икки ва ўн олти ёшгача фарзанди тарбияси учун нафақа сўраб мурожаат қилган 36 нафар фуқаронинг аризаларини қонунга зид равишда рад этган. Уйчи туманидаги «Янгиҷеч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Муродов моддий ёрдам ва вояга етмаган фарзанди учун нафақа сўраб ёзилган 13 та аризани асоссиз рад этиши

Мурожаатлари асоссиз рад этилган фуқароларга нафақа ва моддий ёрдам тайинланишига эришилди.

Бундан ташқари, айрим маҳалла раислари ваколатини суиистеъмом қилиб даромади юқори бўлган 370 дан ортиқ оилага нафақа ва моддий ёрдам тайинлаши оқибатида 11,7 млн. сўмдан ортиқ бюджет маблағи талон-тарож қилинган. Масалан, Мингбулоқ туман Жомашуй шаҳарчаси «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э.Нишонов Р.Эргашева Қ.Бекназаров, Т.Ақчурин, Д.Қозо-

сўмлик нафақани ноқонуний тайинлаган.

Нафақа ва моддий ёрдам пулини тақсимлашда белгиланган тартиб-қоидага эмас, балки таниш-

**!!! Комиссия аъзолари вазифасига совуққонлик билан қарашли оқибатда рад этилган аризалар юзасидан қабул қилинган 330 дан ортиқ қарор қонунга зид деб топилди.**

билишчилик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчиликка кўпроқ амал қилинмоқда. Масалан, Косонсой тумани Абдурахмон Жомий номли

ри ҳам бор. Масалан, «Халқ банки» вилоят филиалининг операция бўлими бошлиғи А.Бойдадаев ваколатини суиистеъмом қилиб, кам таъминланган оилалар ва болали оналарга тайинланган 46 млн.

сўмдан ортиқ пулни уларнинг розилигини олмасдан «Мадада», «Усмир», «Кичкинтой» каби махсус депозит ҳисоб-рақамларига ўтказиб юборган. Мазкур

рилоқда.

Шунингдек, Учкўрғон туман ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими инспектори М.Султонов ўзига юклатилган вазифини лозим даражада бажармагани натижасида 7 та маҳалла фуқаролар йиғинида 18 нафар фуқаронинг аризаси асоссиз рад этилган. Уларга 1.008.600 сўм тўланмаган, аксинча, 15 нафар фуқарога 1.099.800 сўмлик нафақа ноқонуний равишда тўланган.

Текширишларда аниқланган шу каби қонунбузилишлар юзасидан

# Оқибат унутилганда...

қалиева, Н.Нишоновларга низомада белгиланган оиланинг моддий ва мулкӣ аҳолини ўрганиш далолатномасини тузмай ва бирор-бир ҳужжат расмийлаштирмаган ҳолда нафақа тайинлаган. Моддий ёрдамга муҳтож 3-гурӯх ногирони Р.Кимсанованинг аризасини эса «бюджет маблағи йўқлиги, комиссия йиғилишига келмаганилиги, турмуш ўртоғининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этмаганилиги» каби баҳоналар билан рад этган. Ҳолбуки, ҳукуматимиз озми-кўпми маблағ ажратмоқда,

маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Эшонов ваколатини суиистеъмом қилиб нафақа пулини ўз яқинларига тақсимлаган. Жумладан, оиласининг даромади белгиланган нормадан юқори бўлишига қарамай укаси А.Маҳмудовга 61.105 сўм, кизи М.Эшоновага 23.500 сўм, келини Р.Омонуллаевага 78.960 сўм моддий ёрдам берган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича Э.Нишонов, Я.Ҳайитов ва И.Эшоновларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Айрим маҳалла раислари фуқароларнинг нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳақидаги мурожаатларини белгиланган тартибда қабул қилмай, рўйхатга олмаб, комиссия муҳокамасига киритмай ҳуқуқлари бузилшига йўл қўйган. Жумладан, Мингбулоқда 7, Чустда 12, Наманган шаҳрида 78 нафар фуқаронинг мурожаати рўйхатга олинмаган ва ҳал этилмаган. Масалан, Наманган шаҳридаги «Нурчи» МФЙ раиси Ю.Эгамбердиев 20 нафар кам таъминланган фуқаронинг аризаларини қайд қилмай, тўпланган ҳужжатларни комиссияга тақдим этмай, мурожаатларни қўриб қишиш муддатини бузиб, уларга 617.745 сўм нафақани тайинлаш чораларини кўрмаган. Шунингдек, «Тўқувчи» МФЙ раиси М.Исмамова 2-18 ёшгача фарзанди тарбияси учун нафақа сўраб мурожаат этган 22 нафар фуқаронинг аризаларини рўйхатга олмаганилиги оқибатида уларга 687.482 сўмлик нафақа тайинланмаган. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» қонун талабларини бузган ҳар иккала раисга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб бориляпти.

Мўҳтожларнинг ҳақида кўз олайтирганлар орасида банк ходимла-



ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Нафақа ва ёрдам пуллари эгаларига вақтида етиб бормаётганига ёки бу борада қонунбузилишларга йўл қўйлаётганига маҳаллий ҳокимликларнинг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўлими ходимларининг масъулиятсизлиги ҳам сабаб бўлаётганини таъкидлаш лозим. Масалан, Тўрақўрғон туман ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган Б.Тўйчиев кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, нафақа тайинлашга доир ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши устидан назоратни етарли даражада ташкил этмаганилиги натижасида 41 та маҳалла фуқаролар йиғинида 94 нафар фуқарога 3,2 млн. сўм нафақа пули ноқонуний тўланган. 13 та маҳалла фуқаролар йиғинида 38 нафар шахсининг аризаси асоссиз равишда рад этилиши оқибатида 1,6 млн. сўмлик нафақа тайинланмай қолган. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб бо-

вилоят прокуратураси томонидан «Маҳалла» жағғармаси раиси ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Шунингдек, мавқуд аҳвол ҳақида вилоят ҳокими номига ахборот юборилди.

Мазкур масаланинг ўта долзарблигини инобатга олган ҳолда вилоят прокуратурасида идораларро йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар, туман прокурорлари ҳамда вилоятдаги барча МФЙ раислари, ҳоким ўринбосарлари ва шу масалага дахлдор идораларнинг мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Бюджетдан ажратилаётган моддий ёрдам ва нафақа пуллари эгаларига вақтида етиб боришини доимий назорат қилиш ва бу борада аниқланган қонунбузилишларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан вилоят молия ва назорат-тафтиш бошқармаларига, туман, шаҳар прокурорларига тавсиялар берилди.

**Суратлар: Идораларро кенгаш йиғилишидан лавҳалар.**



натижасида фуқароларга 952.692 сўмлик моддий зарар етказган. Вазифаларига виждонсизларча муносабатда бўлганликлари учун ҳар икки раисга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Мана шундай ноқонуний қарорлар Мингбулоқ, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Учкўрғон, Чуст, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларида ва Наманган шаҳрида ҳам қабул қилинган. Прокурорларнинг протестлари билан мазкур қарорлар бекор қилинди.

Р.Кимсанова МФЙ идораси билан ёнма-ён ҳовлида яшайди ва уни йиғилишга таклиф қилиш катта муаммо эмас. Энг ажабланирлиси, иш ҳақи тўғрисида маълумотнома сўралаётган турмуш ўртоғининг оламдан ўтганига 9 йил бўлган. Ҳўш, бундай масъулиятсизликни қандай изоҳлаш мумкин?!

Худди шундай, Жомашуй шаҳарчаси «Кўриқобод» МФЙ раиси Я.Ҳайитов ҳам хизмат вазифасини суиистеъмом қилиб ёрдамга муҳтож бўлмаган фуқароларга 1,5 млн.

**Ўзбекистон Конституциясининг V боб 22-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз худудида кам, унинг ташқарисидан ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди» дея алоҳида белгилаб ўтилган. Зеро, ушбу ишончли таъкидлар кунлик ҳаётимиз ва қонунлар ижросида тўла-тўқис ўз ифодасини топиб келаётир.**

Навоий шаҳар прокуратурасига шаҳарнинг «Галаба» шоҳ кўчаси 155-уй, 55-хонадонда яшаб келган Г.Пипченко кўз ёш тўкиб кириб келади. Айтишчига, у насадининг оғир бетоблиги ҳақидаги хабарни олган, 2001 йилда вилодиси яшаб турган Россия худудида жўнаб кетган. Тиббий муолажалар қор қилмасдан, 2004 йилда онасини ўша масканда тупроққа қўяди. 2005 йилнинг бошларида Навоий шаҳрига қайтса, унинг уйида Улуғбек Назаров деган шахс оиласи билан яшаб турганини. «Мен энди қайқа борай? Мана, 11 ойдири, ўз уйим туриб, таниш-билишлариниқанда яшаб келаяман. Менга ёрдам қилинганда, яхшилар!». Қийин аҳволда қолган аёлнинг оху зори қонун ҳимоячиларини бефарқ

қолдирмади.

Аниқланишича, фирибгарлар Я.Ярашев, О.Акрамова ва А.Шаҳлолар ўзаро тил бириктиришиб, фуқаро Г.Пипченкога тегишли хонадонни сохта ҳужжатлар асосида фуқаро У.Назаровга 3.500.000 сўмга сотиб юборишган экан.

Ноҳақликнинг пайи қирқилди. Фуқаро ҳақ-ҳуқуқи тикланиб, галамис фирибгарлар суд ҳукмига асосан жазосини олишди.

Шунга ўхшаш ҳолат тадбиркор Дилмурод Тўйбоев номидан келган шикоят хатини ўрганиш жараёнида ҳам аниқланди.

«Мен қўрилиш материаллари сотиб олиш учун «Заминбанк»нинг Навоий бўлимидан 4 млн. сўм кредит олган эдим. Шу

## Ҳўйлабгарлар инқирози

пуллардан 3.680.000 сўмни М.Жўраевага тегишли ҳисоб рақамга ундан қурилиш материалларини олиш учун ўтказган эдим. Лекин у лафзидан қайтгани учун нарҳини келишолмадик. Мана энди ҳозирча у пулимни менинг ҳисоб рақамимга қайтариб ташлаб бермапти. Бундан ташқари 320.000 сўм ҳисобимдаги кредит пулимни кимдир «Мурувват тонги» фермер ҳўжалиги ҳисобига менинг руҳсатимсиз ўтказиб юборибди. Бу ҳақда «Мурувват тонги» фермер ҳўжалиги раҳбари Х.Тўраевдан сўраганимда, у ҳам бу пулнинг нима мақсада тушганидан беҳабар экан. Мен энди нима қилай? Ёрдам беринг!». Тадбиркор шикоят хатида шу жумлаларни айтиб ўтади.

Фуқаро Д.Тўйбоевнинг норозилик ха-

тини ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, бу ўзлаштиришлар бошида «Тадбиркорбанк»нинг Навоий вилоят бошқармасида бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келган Ўткир Жўраев турганлиги аниқланди. У «Дилмурод Ташев ўғли» фермер ҳўжалиги ҳисобидagi пулларга бошидан эгалик қилиб келган. Ҳўжалик ҳисоб рақамидagi сўғи 320.000 сўмлик кредит пулини «Мурувват тонги» фермер ҳўжалиги ҳисобига кўчиртириб, ушбу пуллардан 120 минг сўмини Навоий давлат педагогика институтига ҳисоб рақамига турмуш ўртоғи М.Жўраеванинг таълим олиши учун «ўтказиб» берган. Қолган 200 минг сўмини эса чек ҳолатида «Мурувват тонги» раҳбари қўлидан олиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган экан.

Дилмурод Тўйбоевга етказилган зарар дастлабки тергов пайтидаёқ ундирилди. Ачинарли томони шундаки, «Заминбанк»нинг Навоий бўлими мансабдор шахслари ўз хизмат вазифасига нисбатан ана шундай совуққонлик билан қарашган. Бирок, бировнинг топангига қўз тикиб яшашнинг охир-оқибати ҳеч қачон яхшилик билан тугамайди.

**Абдурахмат БОЛТАЕВ, Навоий шаҳар прокурори**

# Ўзбошимчилик

**Манбаларда шундай ҳикматли сўзлар бор: «Қайси халқнинг яшаш шариоитини билмокчи бўлсанг, албатта унинг бозорларини бориб кўр». Дарҳақиқат, бозордаги саранжом-сарийшталлик, тўкинлик ўша худуддаги фаровон ҳаётдан далолат. Ана шу ҳаётини қонуният бугун мамлакатимизда ҳам тўла-тўқис ўзифодасини топаётми.**

**Бир йил аввал Фарғона шаҳар деҳқон бозоридида ҳам қайта таъмирлаш ҳамда бозор худудини кенгайтириш ишлари бошлаб юборилган эди. Бироқ бу ишларга «Башорат» йўл қурилиш хиссадорлик жамияти анча пугур етказди.**

Гапни узокроқдан бошлайдиган бўлсак, Фарғона шаҳар ҳокимининг 1996 йил 17 июлдаги 427-қарорига мувофиқ деҳқон бозори рўпараси — К.Раҳимов ва У.Юсупов кўчалари қесиммасидаги 1425 квадрат метр ер «Истикбол» хиссадорлик жамиятига ажратиб берилганди. Орадан 9 ой ўтиб, яъни шаҳар ҳокимининг 1997 йил 22 апрел кунги 388-қарори билан эса бу майдон «Истикбол» хиссадорлик жамиятидан қайтарилиб, «Башорат» йўл қурилиш хиссадорлик жамиятига ижарага берилди. Шундан сўнг шаҳар ер, бино ва иншоотлар давлат кадастр бўлими билан жамият ўртасида 5 йиллик ижара шартномаси имзоланди.

Маълум бўлишича, «Башорат» йўл қурилиш ХЖ мазкур худудда маҳаллий саноат-савдо марказини қуришни мўлжаллаганди. Ававалига савдо марказининг ертўласи қавланди. Сўнг пойдевор қўйилиб, 5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Аммо шу ерга етганда ишлар тақа-тақ тўхтаб қолди. Қарангки, ушбу «танасуфат» бир-икки йил эмас, нақ олти йил давом этди. Натижада дастлабки ижара шартномасининг мuddати тугасида, хиссадорлик жамияти қайтадан янги мuddатга шартнома тузишни сира хоҳламади. Негаки, жамият шундоғам 2003 йилнинг 1 июлигача ижара ҳақидан 1.241.453 сўм қарз бўлиб қолганди. Шундан кейин 15 июл кунги ер, бино ва иншоотлар давлат кадастр бўлими бошлиғи, шаҳар бош меймони ва ер ресурслари бўлими ходимлари иштирокида далолатнома тузилиб, жамиятга ерни ижарага бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш юзасидан шаҳар ҳокимига таклиф берилган. Мутахассисларнинг айна таклифига биноан шаҳар ҳокими шу куниек «Башорат» хиссадорлик жамияти мутасаддиларига ёзма мурожаат қилиб, тегишли қарорни бекор қилишни маълум қилди. Аслида-ку, томонлар ўртасида имзоланган шартноманинг 5-бандида қурилиш ишлари лойиҳа асосида ва унда кўрсатилган мuddат ичида тугатилмаса, ҳокимнинг қарори кучини йўқотиши

белгиланганди. Шундай бўлса-да, шаҳар ҳокими шартноманинг «ижарага» 2 ой аввал тақдим қилинган ёзма хабарнома бўйича ижара шартномаси мuddатидан олдин бекор қилиниши мумкин» дея қайд этилган 3.3-бандига мувофиқ иш тутди.

Лекин шунда ҳам жамиятнинг қолган ишига қор ёғиб ётаверди. Қўриқатда йил охирига келиб, шаҳар ҳокими ўзининг 1997 йил 22 апрелдаги 388-қарорини бекор қилиш, ажратилган ерни шаҳар ҳокимлигининг захирасига қайтариб олиб, «Деҳқон бозори» ОТХЖга бериш тўғрисидаги 1582-қарорини чиқарди ва «Башорат» хиссадорлик жамиятига 10 кун ичида майдонни тарк этиш вазифаси юклатилди.

Бироқ ҳокимнинг қарори чиққаннан кейин икки йил вақт ўтса ҳам жамият ўз билганча иш тутиб, ерни бўшатиб бермади. Жамият мутасаддилари ҳокимнинг бу хусусда 2005 йил 25 май кунги қиритган 473/2-тақдимномасини ҳам жавобсиз қолдиришди. Шунинг учун энди шаҳар ҳокимлиги ана шу ердан «Башорат» йўл қурилиш хиссадорлик жамиятини чиқариб беришни сўраб, вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритди.

Шартномада белгиланганидан ташқари Ер кодексининг 36-моддаси талабига кўра қишлоқ ҳўжалик соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганда ер участкасига бўлган ҳўжук бекор қилинади. Бинобарин вилоят ҳўжалик суди «Башорат» йўл қурилиш хиссадорлик жамиятини низоли майдондан чиқариш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиб, шаҳар ҳокимлигининг давросини тўлиқ қаноатландирди. Шунингдек, жамиятдан ҳўжумлик фойдасига 78.350 сўм бож ва 4000 сўм алоқа харажатлари ҳам ундирилди.

**Нодирбек РАХМАТУЛЛАЕВ,**  
Фарғона вилоят ҳўжалик судининг судяси.  
**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
журналист

Тошкент вилоят прокуратураси тadbиркорлик субъектларининг ҳўжукларини ҳимоя қилиш борасида доимий назорат ўрнатиб, уларнинг манфаатини поймол қилган мансабдорларга нисбатан қатъий чоралар кўраётганига қарамай, ушбу масаланинг моҳиятини тўлақонли тушулмаган айрим мансабдорлар қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймоқдалар.

## Тadbиркорга мадад қормиз

Хусусан, «Бублос» хуеусий фирмаси раҳбари Ш.Шомаҳмудов ва «Электрлокс файз» хуеусий фирмаси раҳбари А.Жаъфаровлар тadbиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк ота» ширкат ҳўжалиги балансида бўлган «Автомашиналар саройи»ни қимматли савдосида сотиб оломоқчи бўлишди. Шу мақсадда туман ҳокимлиги томонидан тузилган махсус комиссиянинг раиси Б.Эшоновга ариза беришди. Афсуски, комиссия мансабдорлари тadbиркорларнинг аризасини қайд қилмай, қимматли савдоси ўтказмасдан 26,2 млн. сўмга баҳоланган «Автомашиналар саройи»ни фуқаро А.Каримовга 18,5 млн. сўмга ноқонуний сотиб юборишди. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси 2006 йил 22 феврал кунини жиноят иши қўзғатиб, комиссиянинг юқоридagi қарори ҳамда А.Каримов билан тузилган олди-сотида шартномасини бекор қилиш тўғрисида протест киритди ва у тўлиқ қаноатландирди.

Банклар фаолиятида ҳам тadbиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган мансабдорлар учраб турибди. Кўп ҳолларда банк ходими мижозга ўз ҳўкмини ўтказишга, ундан нимадир ундиришга ҳаракат қилаётган. Масалан, Юқоричирчиқ тумани «Гулстон» ширкат ҳўжалиги «Дархон» маҳалласида яшовчи Н.Ор-

тиқова тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 3 млн. сўм кредит сўраб, «Ҳамкорбанк»нинг Олмалиқ шаҳар филиали кредит бўлими бошлиғи Е.Буковскийга мурожаат қилган. Банк ходими эса бунинг эвазига 200 минг сўм пара талаб қилади ва 100 минг сўмни олаётганда ушлади.

Солиқлар — иқтисодиётимиз таянчи. Ҳар бир фуқаро уларни тўлашга мажбурдир. Қонуний ишлаб, давлат олдидagi ҳамма мажбуриятини бажарган тadbиркорга ҳеч қандай

тектириш натижасида 12 та тadbиркорлик субъектига жарима солинган. Ушбу қарорлар ҳам шаҳар прокуратурининг протести билан бекор қилинган.

Бозорлар юрт кўрки ҳисобланади. У ерга ҳамма бирор нарса харид қилиш учун боради. Фараз қилинг, сиз ҳам бозорга бордингиз. Лекин излаган нарсангизни топишга қийин бўлаётти. Негаки, тadbиркорларга етарли шариот яратиб берилмагани боис товарлар бир қисми расталарга, қолгани ерга ёйиб ташланган. Бундай бозордан кўнглингиз

қолади. Оққўрғон туман прокуратураси ходимлари туман марказидаги деҳқон бозорини кўздан кечирганда айнан шундай ҳолатга дуч келишди. Прокуратуранинг аралашуви билан товарларни жойлаштириш учун қўлай бўлган темир расталар ясагилиб, бозорнинг турли жойларида савдо қилаётган тadbиркорлар учун махсус жойлар ажратилди. Бу рада йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида туман ҳокими ва солиқ инспекциясига тақдимномалар киритилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2006 йил март ойида тadbиркорларнинг ҳўжук ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга оид ўтказилган назорат тadbирлари якуни бўйича тadbиркорларнинг 300,5 минг сўмлик моддий манфаатлари тикланиб, уларга 3 млн. сўм миқдоридagi кредит ажратиб берилиши таъминланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент вилоят ҳўжалик судига банк ҳисоб-варақатлари бўйича операцияларни тўхта-тиб қўйиш тўғрисида 168 та даъво аризаси қўрилиб, шундан 140 таси қаноатландирилди. Шунингдек, молиявий санкциялар қўллаш бўйича 11 та даъво қўрилиб, уларнинг барчаси қаноатландирилган.

**Олим СУВОНОВ,**  
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Қувасойдаги ширкатларнинг аксарияти боғдорчиликка иқтисослашган. Президентнинг шу йил 9 ва 11 январ кунги фармонларида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш тadbирлари белгилаб берилди. Жумладан Қувасойдаги 9 та ширкат тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил этишга киришилди.**

Президент фармонлари ва шу асосда қабул қилинган низоомларда ижтимоий адолат тамойилига риоя этган ҳолда боғ ва узумзорларнинг тендери бевосита шу ерда ишлаб келган деҳқон ва боғбонлар ўртасида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бунгача айрим деҳқонлар ерни олиб, фермер ҳўжалиги ташкил қилиб, техника ва пули йўқлиги туфайли иш юрота олмаган, ерларни қайтариб топширган ҳолатлар ҳисобга олиниб, танловларда талабгорларнинг юқоридagi каби имкониятлари баҳоланиши шартлиги қайд этилган.

Шаҳар прокуратураси ходимлари тен-

## Қалбаки техникавий паспорт билан

дерларнинг қонуний ўтказилишини ўрганиб боришмоқда. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш чораларини қўришяпти. Хусусан, «Муя» ширкатини фермер ҳўжалигига айлантириш комиссияси айрим талабгорларнинг имкониятларини ҳолис баҳоламаган. 3-лояҳа бўйича голиб деб топилган С.Дадажонов комиссияга тақдим этган 2 та «МТ3-80» маркали тракторнинг паспортларида техник созлиги тасдиқланмаган ҳолда балл қўйилган. Бундан ташқари қишлоқ ҳўжалигида иш стажини бўлмаса-да, асоссиз равишда 8 балл берилган.

7-лояҳа бўйича голиб чиққан Б.Абдуллаев оила пудратчисини бўлган ўғлининг 3 йиллик даромади ҳақидagi маълумотномани ўзининг номига ўтказиб, ко-



миссияга топширган ва шу асосда ноқонуний равишда 10 балл олган. Шунингдек, комиссия талабгорнинг «Деҳқон бозори» томонидан берилган 1 та сизир ва 2 та ҳўжини, кейинроқ эса 6 та сизир ва 6 та гунажини, 3 та ҳўжини борлиги тўғрисида бир-бирига зид маълумотлардан ҳам кўз юмиб, балл қўйган. Бу қонунбузилиш-

ларни бартараф этиш учун протест киритилди.

«Беҳизор» ширкатига 26-лояҳа бўйича И.Аҳмедов комиссияга бутунлай бошқа шахсга тегишли тракторнинг сохта ёзувлар қиритилган техник паспортни кесронусхасини тақдим этиб, тендерда голиб чиққан. Ф.Шамсидинов номили ширкат ҳўжалиги тендер комиссиясига Ф.Назиров ва Н.Мўйидиновлар аслида йўқ тракторларнинг қалбаки техник паспортларини тақдим этиб, улар учун балл олишган. Қалбаки ҳўжатларни тайёрлаган ва ўтказган танлов қатнашчиларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тендерларнинг қонунийлигини ўрганиш натижаси бўйича прокурор протести билан комиссияларнинг 7 та қарори бекор қилинди. 120 киши оғохлантирилди. Шаҳар ҳокими номига қонунбузилишларни бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан тақдимнома киритилди.

**А.МИРЗАЕВ,**  
Қувасой шаҳар прокурори

**Азиз ўқувчим! Сизга ҳавола этилаётган мазкур матннинг оқ қозоғга тушганига айна кунларда йигирта йил бўлибди. Падали бузрукворим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий ижодлари давомда одамийлик, инсонпарварликнинг том маънодаги фазилатларини ўзида жамулжам этган Ҳазрати инсонлар — тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов ва Баҳри Акрамоваларнинг меҳр-оқибат, меҳр-мурувват, меҳр-садоқатларини куйладилар. Зеро, ўзлари ҳам шу олижаноб инсонлар қаторида эдилар, десам муболага бўлмас. Хотира ва кадрлаш кўни арафасида бу Ҳазрати инсонлар ёдини хотирлаб, руҳини шод айлаш ниятида адажонимнинг қаламларига мансуб, матбуотда эълон қилинмаган «Тутинган ўғил киссаси» сарлавҳали воқеа хикояларини Сизларга илиндим.**

Федяни ювинтириб, кийинтираётганда исмини сўради. Федя ўз исмини иккилашиб, худди бир нарсадан чўнгандек айтдию, онаси, отасининг исмиларини айтолмади. Шунда Баҳри опа эрига қараб, акаларига йўлдош бўлиб юрсин, исмини Йўлдош қўя қолайлик, деганди. Шоаҳмад акага бу маъкул тушди. Бола ҳам майли деганча, эғнидаги янги кийимларидан хурсанд бўлиб Баҳри опанинг бўйидадан кучоқлаб олди.

Шу-шу Федянинг исми оилада Йўлдош бўлиб қолди. Бир йил ўтар-ўтмас эса Шоаҳмудовлар оиласи турли миллат болалари, ўн тўрт ўғил-қизни бир дастурхон атрафида тўплаган байналмилал оила бўлиб қолди. Шу тариқа уруш етимларидан юз

лигининг тимсоли бўлган байналмилал оиланинг бир ўғли Йўлдош—Федядан бошлаган эдик. Йўлдош-вой уйланиб, фарзандли, набирали бўлибди ҳамки, бирон дақиқа отаси, онасини, киндикқони тўкилган тупроқни уйламай туролмасди. Мен уни ёшлигидан билмаман. Табиатан босиқ, ваэмин, тўғри сўз, поққалбли бўйигит ёлгонни, ҳаромни сира-сира ўзига сингдирилмасди. Бир кўни одатдагидек мени кўрганни келди. (Очиги, Шоаҳмад отаси вафотларидан кейин мен билан ота-боладек кўриб қолган, тутинган ўғлимдек кўрардим. У ҳам менга «ота» деб муржаат қиларди). Қандайдир қозоғлар, идораларда ишлатилмаган умумий даф-



# Тутинган ўғил

«Тошкентнинг кўн ботарида, Кўкча даҳасининг боғ-роғлар, экинзорларга туташиб кетадиган Жарариқ кўчасида темирчилар оиласи—Шоаҳмад ака билан Баҳри опалар истикомат қилишарди. Бир уй, бир айвонли, чоғроқ саҳли ҳовлининг этагида кичкинагина темирчилик устaxonаси бўлиб, темирчилик артелининг аъзолари бўлиш эр-хотин уйда ҳам бирга ишлашарди. Бефарзанд бу оила



маҳаллада бировдан олдин, бировдан кейин дегандек, кўп қатори баҳоли қудрат камсукун турмуш кечиринишарди. Ҳеч нарсадан камчиликлари йўқ, аммо айтарли ошиб-тошиб ҳам кетишмаган. Бефарзандликларини пешоналарига битган тақдир деб билиб, унга тан бериб, ҳаёт кечиринишар, рўзгор тебратинишарди.

Ногоҳон бошланган уруш юртизмизнинг ҳам тинчлини бузди. Шундай кезде Ўзбекистон жон сақлаб қолган қарилар, аёлларнинг паноҳгоҳларидан бирига айланди. Неча юз минглаб гўдакларни ўз бағрига олди.

Устaxonасида тақа ясайдиган Шоаҳмад ака, дам босиб ўтирадиган Баҳри опаларнинг ҳам тинчи бузилди. «Юрт тинч, сен тинч», дейди халқимиз. Улар ҳам уруш бошланибди деган кундан буён ёлган-ичганлари ичларига тушмас, дарди-дунёлари қоронгу, тиж этса айвон устунига

осиғлик қоп-қора лаганча — радио қарнайига қулоқ солишарди. Кун ўтар, соат ўтар, радиодан бирон бир кўнглига таскин берадиган садо чикмасди. Шундан буён Шоаҳмад аканинг қовоқлари уюлган, чехраси сира ёришмайди. Унга қарайвериб, Баҳри опа ҳам мотамсародек юрарди.

Бир кўни шаҳарда фронт яқинида, фашистлар босиб олган жойлардан болалар келтирилаётган эмил, деган гаплар тарқалди. Ҳаманин оғзида шу гап, ҳамманинг фикр-хаёли болаларда бўлиб қолган кезларда эшикдан темирчининг ҳамкасби, артелда ишлайдиган усталардан бири Исмоилжон кириб келиб, кеча Тошкент вокзалида бўлгани, бир шезлонга келтирилгани, уларнинг афт-ангорига қараб бўлмаслиги, кўплари ярадор эканини гапириб берганида, эр-хотин анграйиб қолишди. Шунда анчагина тили гапта келмай, ҳамкасбига тиликган Шоаҳмад аканинг бутун вужуди газабга тулиб:

— Болалар, гўдакларда не гуноҳ, эй уйинг кўйгур босқинчи! — деб юборди. Сал ўзини босгандан кейин, ҳамкасбига маслаҳат солди.

— Исмоилжон, бир уқалик қилинг, йўл-йўригини кўрсатинг.

— Ҳўш, нима қилмоқчисис? — сўраб қолди Исмоилжон.

— Бағримизга оламиз, оталик, оналик қиламиз норасидаларга.

— Болаларинг давлат ўз тарбиясига олади, — деди Исмоилжон.

— Бўлса бордир ука, илло ўша етимхоналар отанинг, онанинг ўрнини босолмайди. Иннакейин, ҳаммасини жойлаштиришни ҳам айтинг.

Шу кундан бошлаб тинчи бузилган эр-хотин эртасигаёқ Тошкент вокзалига чиқиди. Келтирилаётган болаларни ўз кўзлари билан кўришди. Орадан сал кун ўтмай эр-хотин болалар уйидан бир ўғил, бир қизини етаклаб келишди. Шу-шу темирчи Шоаҳмад ака ҳотини Баҳри опа билан уруш етимларини тарбияларига олишди, деган гап аввал Жарариқ маҳалласига, кейинчалик бутун шаҳарга тарқалди. Болаларнинг орасида кўринишидан беш-олти ёшлардаги Федя ҳам бор эди. Баҳри опа

мингдан кўпроги мамлакатимизнинг болажон хонадонларида паноҳ топди.

Уруш тугаб, биз ҳикоя қилган оила — темирчи Шоаҳмудовлар оиласининг фарзандлари ўсиб, улғайиб ўқишди, турли хунар ортинришди. Баҳри опа билан Шоаҳмад акалар кетма-кет тўй кўришди, қиз чиқариб, келин туширишди. Бир уй, бир айвонли, этагида темирчилик устaxonаси бўлган ховли аллақачон торлик қилиб, шу кўчанинг ўзида, ўғил-қизларнинг ўзлари лой қориб, гишт қўйиб, иморатлар қуришди. Уларнинг рўсплари хизматлари туфайли республикамизнинг турли шаҳарларига кўчиб кетишди. Оила бошлиғи Шоаҳмад ака икки кам саксон ёшида оламдан ўтди. Табарруқ ая — Баҳри опа шу ховлида, аср бошида келин бўлиб тушган қадрдон ховлисига, ўзи ёқирадиган олди равонли уй-айвонда яшайди. Ҳамма уни пири бадавлат, табарруқона деб ҳурмат қиларди. Болалари — неваралари, эвараларининг сонини ҳисоблаганда янгилишиб кетардию, аммо саночига келганда ҳаммасини, гоийбадиларини ҳам исмиларини тополмасам, қайси бирининг ўғил, қизи э набираси эканлигини аниқ айтиб беради.

Дарвоқе, энди бу кўча Жарариқ деб аталмайди. Оила бошлиғи ҳаётлигида кўчанинг номини шу табарруқ зот — Шоаҳмудовлар номи билан аташ ҳақида ҳуқумат қарори чиққан эди. Шу-шу Шоаҳмудовлар кўчаси деб юртилади. Бугина эмас, Тошкентнинг қоқ марказида, Халқлар Дўстлиги майдонида, шу номдаги ҳашаматли сарой қаршидаги гулзор ўртасида буюк инсонпарвар, кўп миллатли оила — Шоаҳмад ака, Баҳри опаларга — Инсон меҳрига қўйилган ҳайкал бор.

Тошкентга қадам ранжидан қилган меҳмон орми, сайёёқ борми, бу даргоҳга ташриф буюрмай, инсоният тарихида етимпарварликка, Ҳазрати инсон меҳрига қўйилган биринчи ва ягона ҳайкални зиёрат қилмай кетолмайди.

Гапни кўп миллатли аҳил оиланинг, халқлар дўстлиги, қон-қардош-

тарини кўтариб олган. Бу дафтар арҳивдан олингани билиниб турарди. Ундаги узундан-узун рўйхатни кўрсатиб, Кульчиковский фамилиясида тўхтаб, яна аллақандай рўйхат кўрсатди. Шуларга асосланиб, бирокки вилоятларга бориб яна қандайдир ҳужжатларни текшириб келмоқчилигини айтди. Уни шахтидан қайтариб бўлмасди, ўша кезде.

Орадан бирон ойча ўтказиб, Днепропетровск вилояти Васильковский тумани газетаси ходими телефон қилганини, унинг онаси борлигини айтганини, боришга шайланганини гапирди. Айтишга айтарди, ич-ичидан қувонардию, айна пайтда бундай уричишларнинг кўпидан ҳафсаласи пир бўлгани учун бунисига ҳам ишонқирамай қарарди. «Қайдам, — дерди иккилашиб, — ноумид шайтон дердилар дадам, зора рост кичиб қолса...».

Бирдан отланадиган бўлиб қолди. Самолётга билет олгани, эртага Днепропетровскка учиб кетаётганини телефонда ҳовлиқиб айтди-да, бораётганим ҳақида телеграмма берсаммикан э йўқми, дея маслаҳат сўради.

Жигарбанди, фарзандини беш ёшида тирик йўқотиб қўйган онанинг қирқ беш йилдан бери чекаётган изтироби, тўккан кўз ёшлари, кўрган одамларига, эшитганларга ҳам, идораларга, газеталарга ёрдам сўраб қилган илтиколари, буюк оналик сабр-бардошларини ёзиш осон, аммо бошдан кечириш чидаб бўлмайдиган даражада даҳшат. Беш э олти ёшга қадам қўйганда ота-она бағридан, киндикқонини тўкилган қулбасидан худдо бўлиб, бегона юртта, нотаниш одамлар бағрига бориб қолган, эндиликда ўзи отагина эмас, қизини чиқариб, неварали бобонинг эсини танигандан буён ўзининг, ота-онасининг кимлигини, қайси юрт, қайси миллатдан эканлигини билмаслигини, биртоқ ҳаммиша умид билан яшаганини, жигаргўшаларини қўмсаси даҳшатини фақат қоғоз кўтарарди. Бу азобни бошидан ўтгангина билади.

Йўлдошвой 1986 йили хешларини топти. Днепропетровскдаги Письменное қишлоғида истжомат қилаетган 104 йили буйиси Дарья Алек-

сеевна, 70 ёшли ҳолиси Вера Ивановалар билан 45 йиллик жудликдан сўнг дийдор кўришди. Ушбу сатрларини ёзишдан мудоао мудҳиш урушнинг ҳали битмаган яраларидан биттаси давосини тоғганини айтиш, қирқ беш йил бир-бирига талпинган, илҳак интизор бўлган қалбларнинг топишганларидан, етимнинг кўнгли тоғдек кўтарилганидан мамнусликни изхор этиш, Йўлдошвой—Федянинг қувончини баҳам кўришдир...».

**Раҳмат ФАЙЗИЙ,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

*Адажонимнинг қораламаларига шу ерда нукта қўйилган. Газетхон учун қизқарли бўлгани сабабли мен бу ҳикояни давом эттиришга жазм этдим. Чунки падали бузрукворим вафотларидан кейин ҳам Федя ака бизнинг оила билан борди-келдини тарқ этгани йўқ. «Тутинган ўғил» вазифасини жойига қўйиб оқ этди.*

Федя ака бу учрашувни онамиз аъзоларига бирма-бир ҳикоя қилишдан чарчамасдилар. Ўз яқинларини тошиб ҳам, Тошкентни тарқ этмаган «тутинган ўғил» орадан анча вақт ўтгач, хизматчилик, қолаверса, тақдир тақозоси билан Украинага кўчиб кетди. Ушанда, сафар олдида унга келиб (2000 йил, қиш фасли), онажоним билан узоқ сўхбатлашди, «ота»ларини ёдлади ва мақсадини айтиб, оқ фотиха сўради.

Федя ака ҳали-ҳануз Тошкентга, улғайган даргоҳига қайтиш ниятида, бу юртни кўп қўмсайди. Буни ҳар сафар улар билан кўнгароқлашганимда, хат-хабарлашганимда ҳис қиламан. «Ўзбекиона меҳр-оқибатини ҳеч қаредга туймадим», дейди у қиши. Дарҳақиқат, замон-замон бўлиб, макон-макон бўлиб, бундай меҳр-оқибат, меҳр-мурувватни кўрмаган эди...

**Умида ФАЙЗИЕВА,**  
журналист

*Суратларда: Шоаҳмад Шоаҳмудов темирчилик устaxonасида; Баҳри Акрамова тарбиясига олган болалари билан. Суратқач Морюн ПЕНСОН. 1943 йил.*

## Фахрийлар эҳтиромда

Қариялар бебаҳо хислатли кишилардир. Уларнинг оқилу донолиги, меҳрибонлиги ва алолат зоясидан иш кўриши чинакам ҳаётий тажрибаларининг мевасидир. Кексаларни иззат-ҳурмат қилиш, айтган сўзларига қулоқ тутиб, берган панд-насиҳатларига амал қилиш ҳеч бир замонда фойдалан холи бўлмаган. Зеро, «Қарис бу уйнинг, париси бор», «Қари билганини пари билмайди» қаби ибратли ўғитлар ҳаётда бежизга айтилмаган.

Хотира ва кадрлаш кўни арафасида фахрийларимиз яна бир бор тилга олинди, қўллаб-қувватланади. Уларга эзгу ниятлар билдирилиб, эҳтиром бажо келтирилади. Яқинда «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимида бўлгани-

мизда бу борда ҳўб ибратли ишлар қилинаётганининг гувоҳи бўлди.

— Вилоятда 3000 дан ортқк уруш ва уруш ортида меҳнат қилган фахрийлар бор. Байрам арафасида улар кўнглини топиш, таскин ва қувват бўлиш борасидаги юмушларимиз талайгина, — дейди жамғарма раиси Ҳасан Нормуродов.

— Байрам арафасида асосан 400 нафар уруш ва уруш ортида меҳнат қилган фахрийлар вилоят ҳўкимлигида тўпланишиб, байрам шодибанларини ўтказишди.

Қолган шаҳар ва туманларда ҳам амалий-ташқилий ишлар бўлиб ўтапти. Фахрийларимиз орасида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, яқка ёлғиз яшовчи ёки

бемор фахрийларга индивидуал қўшимча ёрдам кўрсатиш, совға саломларини улар яшаб турган хонадонларга ҳайрат вакиллари иштирокида етказиш ташкил этилди.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларининг саломатлигига ҳам катта эътибор берилапти. Улар белгиланган мўдатларда тиббий қўриқлардан ўтказилиб, муолажа ишлари мўмкин қадар бепул ёки илтиёзлар асосида амалга оширилмоқда. Ҳўзиргача 43 нафар фахрий Тошкентдаги геронтология марказида даволаниб қайтишди.

Кўнглини кўтарадиган мисоллар талғайгина. Шулардан бири Самарқанднинг қоқ марказида, шундоққина «Нуроний»

жамғармаси вилоят бўлимининг муҳташам биноси жойлашган ҳиббонда «Хотира» майсонининг қад рўстлангандир. Мазкур майдонда ўрнатилган бронза китобларда 48 минг нафар жангоҳларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган аждодларимизнинг исму шарифлари туширилган. Эндилекда бу майдон халқимизнинг табарруқ қадамжоларидан бирига айланган. Ҳар кўни бу ерга қўллаб зиёратчилар ташриф буюришди.

Бугунги тинч-осуда кунлар учун кўксини қалқон қилган, ҳатто ширин жонини ҳам аямган аждодларимиз олдида доимо қарздормиз.

**Мансур АЛОВУДИНОВ,**  
«Huquq» муҳбири

2004 йил охирида Асакадаги «УздЭУ» автомобил ишлаб чиқариш корхонасига танлов асосида ходимлар ишга қабул қилина бошланди. Заводда ишлашни истаганлар кўп, иш ўринлари эса чекланган. Хар бир иш ўрнига 15 кишигача ариза ёзиб, ҳужжатларини тақдим қилишган. Илҳомиддиннинг жияни Лочинбек ҳам танловда иштирок этди-ю, лекин ўтолмади.

Илҳомиддин «Дамас» машинасида одатдагидай қиракашлик қилиб юрган кўнларнинг бирида олд ўриндикка «УздЭУ» авто заводи ходимларининг оқ-хаворанг кийимини кийган йигит ўтирди. Гапдан гап чиқиб Илҳомиддин унга «Яна ишга киролмади-да» деб ёрилди.

минг, жияни учун 600 минг сўмни танловга зарур ҳужжатлар билан унинг қўлига тулқазди.

— Айтиб қўй, бир-икки кунлик иш эмас, сабр қиласизлар, хабарлашиб тураемиз, — олдини олиб оғохлангирди Ҳалимжон. — Яна ишга қираман деганлар бўлса,

— Бунча пулим йўқ-да, ярмини берай, қолганини кейин...

— Хўп, ишлаб туриб қарзингизни узарсиз, — у Фурқатнинг шартига кўнди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Фурқат завод дарвозахонаси ёнида унинг йўлини тўсди.

— Паспортигизни олиб келинг, эртдан заводга киришга рухсатнома килдириб бераман, — деди Ҳалимжон.

Ишга жойлашишга иштиёқмандларнинг ҳужжатларини олиб, корхонанинг ўтиш жойидан ичкарига кириб, бирор соат ўтиб қайтиб чиқганини кўрганлар шубҳа-ғумондан фориг бўлиб, «уч-тўрт кунда иш бошлайсиз» деган гапига лақақ ишониб юришаверди. Бирок эртасига қорасини кўрсатмади. Орадан ҳафта, ойлар ўтди. Ишга киришга умидвор бўлиб юрган



## Соддалар ўчун «хўрак»

— Нимасини айтасиз, конкурс қаттиқ, — билангил қилди нота-ни киши. — Аммо очиги, танлов ҳужажуринга. Белингиз бақувват бўлса, дангал узатсангиз, синову имтиҳонлар «челуха». «Узатиш»ни йўлини қилолмасангиз, минг ақли бўлинг, икки бармоғингизни бурнингизга тикиб қолаверасиз. Битта-иккита оғайниларни ўртасига тушиб, жойлаб қўйдим...

Илҳомиддин дарров қармоқдаги «хўрак» илдини.

— Мени шопирликка, жияни любой ишга гапашиб беринг, — деди «ҳожатбарор»га эланиб. — Узингизни хурсанд қиламан.

— Э, ака ставкалари жуда кўтарилиб кетган-да... Аммо икки-уч ой ишлаб ўрнини чиқарваса бўлади. Ой-лиги йирки.

— Қанча десангиз, айтганингизни бераман!

— Ёшга яма қарайди. Йигирма беш ёшгача йигитларнинг «ставкаси» олти юз минг сўм, ундан катталарники икки баробар!

— Майли-да!  
Илҳомиддин Ҳалимжонни уйига-ча элтиб қўлди. Йулжара узатганда қўлини кўксига қўйиб, олмади.

Орадан беш кун ўтди. 20 декабрда Илҳомиддин жияни Лочинбек билан «ҳожатбарор»нинг оstonасига бош уриб борди. Узи учун 1 миллион 200

менга рўпара қилаверинг!

Илҳомиддин ўзини еттинчи осмонда ҳис қилар, ишга кириши нақдликка шубҳа қилмасди. Ҳатто оғайниларига заводдаги бир таниши ишга опкириб қўйганини элбуртдан ногора қилиб чалди.

— Менинг ўғилларимниям гаплашиб беринг, — илтимос қилди Исиджон.

— Бўпти...

Илҳомиддин ўртоғини Ҳалимжоннинг уйига бошлаб борди. «Гувоҳсиз шартлашишга одалланган заводнинг норасий кадрлар бўлими «вакили» Исиджон билан юзма-юз сухбатлашди. Оилавий аҳоли танглигини эътиборда олиб 800 долларга иккала ўғлини ишга жойлаб қўйдиган бўлди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Ҳалимжон Илҳомиддин билан унинг уйига бориб, агар яна 200 доллар берсангиз, иш тезлашади, деди.

— Ишга кирган кунчи бераман, — деб Исиджон гапни калта қилди. «Бўладими, бўлмайдими иши» деб дилига гашлик тушди.

Келишилганидек, Ҳалимжон Илҳомиддин таништириб қўйган Фурқатбек билан завод дарвозасининг рўпарасидаги дорихона олдида учрашди.

— Олти юз долларга ишингизни тўриллаб бераман, — деди Ҳалимжон.

лар унинг йўлини пойлашар, лекин дарагини тополмай, уйига излаб боришганида доим йўқ бўлар эди...

Фирибгарга нисбатан жиноят иши кўзга тилди. Терговда маълум бўлишча, Асака шаҳар «Ёшлик» кўчаси 14 уйда яшовчи, 47 ёшли Ҳалимжон Мирзаев аллақачон автозаводдаги ишидан бўшаган, ҳеч қарерда ишламаган. Фуқароларни ишга жойлаб қўяман деб алаб, уларни ишонтириш учун корхонанинг кириш-чиқиб жойига кириб турган. Шу тарика олти нафар фуқародан 3 миллион 300 минг сўмга «якин пуллари» олиб, ҳам қилиб юборган. Судда фирибгар айбини инкор қилди. Хусусан, Илҳомиддин Тешабоевдан 1100 доллар олганим йўқ, деб яна ҳаммани ишонтиришга уринди. Бирок, ўз қўли билан ёзган тилхат, гувоҳларнинг, жабрланувчиларнинг шохидликлари орқали айби ўз ибботини топди. Суд уни 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Амнистия фармони қўлланиб жазо ўчдан бир қисмга қисқарди. Жабрланувчиларга ётказилган зарар ундириб олинди. Автозаводдаги 600 иш ўрнига ошқорка, очик-ойдин танлов ўтказилган бир шароитда соддалар фирибгарнинг «хўраги»га илиниб, жабрини тортишди.

**А. ТУРҒУНБОВ,**  
Асака шаҳар прокурори

## «Ҳаёт» чўққисидagi қотиллик

Ердаги жамики мавжуд нарсалар, жонзоду ўсимликлар ҳамма-хаммаси Она-табиатга дахлдор. Ҳатто онгли мавжудот саналмиш ҳазрати инсон ҳам табиат билан ҳисоблашишга мажбур. Шундай экан, борлик инъомлари саналган барча бойлигу жонзодларнинг кирилиб кетмаслигига хар биримиз масъул бўлишимиз лозим.

Бу борада Республика кишлок ва сув ҳўжалиги вазирлиги ўрмон ҳўжалиги, қўриқхона ва миллий боғлар бошқармаси томонидан наботот ҳамда ҳайвонот дунёсидан унумли фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳудудларида бир қадар кенг қамровли ишлар олиб борилаёттир. Афсуски, нафс бандасига айланган айрим дунёбехабар одамлар ҳам борки, улар қасрига ҳам табиат, ҳам инсоният жабр қўрмақда. Зарафшон воҳосининг Оқтов этакларида жойлашган давлат қўриқхонасида юз берган фожиа ҳам ана шундай қановат билмаган шахслар етказаятган зийн-захматларнинг бир кўриниши.

Қўриқхона нозир Умар Аҳмедов ўз қасбини жон-дилдан севган жонқуяр йигитлардан эди. У ўша кун ҳам қасбдошлари Баҳромқул ва Хўшвақтлар билан наватдаги смена учун ишга отланди. Бири эшакка миниб, иккитаси отга мингашиб йўлга тушишди. Ястаниб ётувчи тоғнинг «Ҳаёт» чўққиси анча баланд бўлгани учун у ерга нақ пешинда етиб бордилар. У ердан дурбин кўмагида қўриқхона ҳудудларини диққат билан кузата бошладилар.

— Қаранглар, ҳу адирлик томонда қўй-қўзилар қўриқхона ерларига ўтиб юришибди. — Шундай деб Баҳромқул дурбинини Умарга тутқазди. «Шошлиш керак», — деди Умар ҳам, — тез бўлилар, сизлар ўша ёққа боринлар. Мен кузатишни даров этираман.

Кўп ўтмай икки қасбдош тоғ сўкмоқлари оша қўшни Пангат чўққиси томон йўл олишди. Қўй-қўзиларни белгиланган ҳудуд чегарасидан қувшибди, анча вақтларини йўқотишди. Сўйгра бодом буталари оралаб, эхтиёткорлик билан яна пастга эна бошлашди.

Авалли манзилга етиб қараша, Умар қўринмайди. Улар хавотир билан чор-атроф қафдэк кўринадиган «Ҳаёт» чўққиси томон кўтарилишга аҳд қилишди. Шунда тоғнинг улардан қуйроқ қисмида тумтарақай қочаятган уч кишини кўриб қолишди. Икки нафари елкасига ов милтиғи осиб олишган. Нотаниш куролларнинг оёқ олишлари бежо бўлганини кўриб, улар ортидан нозирлар ҳам қува кетдилар.

Бирок, кўп ўтмай улар бирин-кетин кўздан қочиб бўлишди.

«Бу ерда бирор гап бор. Бекордан бекорга бунчалик қочмасалар керак». Шундай хулоса билан йигитлар шериклари Умаржонни овоз чиқариб қақиритишга тушишди. 35-40 қадамлар пастликка энишга, қақиртош ва майса ўтлар устида осмонга қараб чўзилиб ётган шерикларини кўриб қолишди. «Ухлаб қолган бўлса керак», деган гуом билан унинг олдида ошиқишди. Лекин унинг ёнига бориб, Умаржоннинг ўнг биқинида совий бошлаган қони кўришди. Танасининг ҳам асосий қисми совуб бўлган эди. Қутилмаган бу ҳолатдан йигитлар шошиб қолишди. Қалдронлари устига курталарини ечиб ёпишгач, тегишли органини хабардор қилиш учун пастликка шошишди.

Нозирнинг ҳаётдан беватқ кўз юмиши қонун ҳимоячиларини оёққа қалқитди. Кўп ўтмай қотилликда гумон қилинган Мамоасили Қаршиев ва унинг шериклари Абдуғани ҳамда Зарифлар қўлга олинди. Суриштирувлар натижасида ов қилиб максатда қўриқхонанинг тақиқланган қисмида кезиб юрган «овчилар» беҳоссад нозирни учратиб қолишганини, Умаржон уларни ноқонуний ишларга чек қўйишга қақирган пайтда ўларидидаги Т03-8 русумли милтик билан отиб қўйишганини тан олишди. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг очик суд мажлисида М.Қаршиевнинг содир этган жинояти атрофлича ўрганилиб, 18 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Азимжон ЭШОНҚУЛОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори

2005 йил 2 октябр.

**«Тошкент — Бўхоро» йўналишидаги автобусдан Отабек Кўлдошев тушиб келди. У ўйдан пул ишлаб келаман деб чиқиб кетган, лекин бу сафар ҳам қўп-қуруқ қайтган эди. «Бунчалар омадсизман. Уйга яна қуруқ чўнтак билан кириб бориш...». Шу ҳаёлларда келаятган Отабекнинг кўзи «Дилқушо» бозори ҳудудидagi долларфурӯшларга тушди. «Доллар, россияски оламиз», «Доллар керакми?». Бири қўйиб, бири гапираётган йигитларнинг овози ўтган-кетганларга баралла эшитилиб турарди. Отабек уларга бироз хавас қилгандек бўлди.**

«Биронтасидаги долларлар менда бўлиб қолса эди...». «Сомоний» бозоридаги ошқонада 200 грамм ароқ ичиб олган Отабек бироз дадилланди. Ҳозиргина сотиб олган пичогини пайпасларкан, шайтон юрагига қутқу сола бошлади: «Пичоқни бўйнига тирасанг, қўққанидан ўзи борини чиқариб беради. Бирпасда миллионерсан...».

Долларфурӯшлар олдида келган Отабек йигитлар орасида кўринишидан содаларок туюлган Мансурга юзланди.

— 500 «қўкси»ни рублга алмаштирмақчи эдим.

— Гап йўқ, ака. Қани, бу ёққа юринг. Харидор келганидан хурсанд бўлган Мансур уни «Соҳибкор» ширкатига тегишли сабзавот дўконига бошлади. Лекин Отабек дўконда бир киши борлигини кўриб ҳафсаласи пир бўлди. Шундай бўлса-да, Мансур билан савдолаша бошлади.

— 1 рублни 39,5 сўм дейсизми?

## АРМОҢ

— Кўриб турибсиз, бозорнинг кўтариши шунақа.

— Берсангиз 38 дан олардим, — деди Отабек атайлаб. Чунки Мансур ҳам зарарга ишлашни хоҳламаслигини жуда яхши биларди.

— Қўйсангиз-чи. Тўғри келмайди, — норозилик билдириди Мансур.

Савдо пишмади. Отабек бирор соатлар ўтказиб яна келди.

— 38 сўмдан беринг, ака. Йўқ деманг.

— Айтдим-ку, беролмайман. Чунки бозор...

— Хўп, майли. Унда телефонингиздан фойдалансам бўладими?

Мансур қўлидаги телефонни узатаркан гапиришлари фалати, довдир йигитга

ҳайрон бўлиб қаради. Отабек қозога қараб Тошкентнинг Келес шаҳрида яшовчи Аваз Рустамов билан болланди. Иш топилса боринини айтиб хайрлашаркан, қўзлари бежо жовдирарди.

Дўкондан чиққан Отабек соат 14 ларгача бозорда санғиб, ўзини овутирди. Тўғриси, дўконда кўзи тушган сейфдagi долларлар ҳаёлидан кетмади. Дадил-

лик учун яна 100 грамм ароқ ичиб, бу галги уриниши зое кетмаслигидан умидланиб пакет ҳам сотиб олди.

Қўлидаги пичоқни жемпери билан яшириб дўконга кирган Отабек яна Мансур Мухиддиновга рўбарў келди.

— Оладиган бўлдингизми? Мана, бир пилла чой ичинг.

— У-уч минг рубл ол-оламан, — деб довдирарди Отабек атрофга олазарак боқаркан.

Дўкон бурчагига қўйилган сейфни очиб, пулни олган Мансур қўлида пичоқ билан унга ташланган харидордан кўрқиб кетди. Отабек эса «Менга минг доллар берсан!» Минг доллар!..» деганча бақира кетди. Нималар бўлаётганини англаб

етишга улгурмаган Мансур кетма-кет санчилган пичоқ зарбидан бақириб юборди. Бир зумда атрофни тумонат одам ураб олди. Мансур қонга бўялган ҳолда бир нуқтага тикилганча ҳансаранди. Балки шу пайтда ортида бўзлаб қолган аёли, икки норасида боласи кўз ўнгидан ўтгандир.

Мудҳиш хабар бир зумда «Дилқушо» бозори, бутун шаҳарга тарқалди. Ҳодиса жойидан қочиб кетган жиноятчи ундан қандайдир из қолиши мумкинлигини унутган эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкор ходимлари бир кундан кейин Отабекни эрта тонгда Келес шаҳрида қўлга олишди. У қилмишига яраша жазосини олди.

Ҳаёт давом этади. Ортимизнинг бир бурчида қотил фарзандни дунёга келтириб азият чекаётган ота-она мунгайиб яшамокда. Бу ердан узоқ бўлмаган жойла эса отаси соғиничда ўксик кўнглига таскин тополмаётган норасидалар, бева қолган келин умргузаронлик қилишмоқда. Ҳар икки томон юрагидан армон аталмиш андуҳ қўланкаси бор.

Йиллар ўтаверади. Бирок армон дилининг бир бурчида чўки қолаверади...

Насриддин САДИРОВ,  
Бўхоро вилоят прокуратураси катта

терговчиси

Моҳира ШАКАРОВА,

журналист



## Гумонли шахс ҳибсда

Таганрогда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ходимлари ҳамда чегарачилар томонидан Карачаево-Черкесия бош вазир ўринбосари Ансор Тебевни ўлдирилганликда гумон қилинаётган шахс ҳибсга олинди. Қидирувдаги Артур Тамбиев Россия-Украина чегарасидан ўтаётган вақтда ушланган, деб хабар беради «Южный регион» ахборот агентлиги. Эслатиш жоизки, Карачаево-Черкесия бош вазир ўринбосари Ансор Тебев 2004 йил 18 октябрда Черкеск шаҳри марказида ўлдирилган. Республика прокурорининг ўринбосари Игорь Дармиловнинг сўзига кўра, жиноятчилар икки киши бўлган. Карачаево-Черкесия президенти Мустафо Батдиев бош вазир ўринбосарининг ўлдирилишини жиноят оламнинг ҳуқуқатга нисбатан қилинган катта хуружи дея баҳолаган.



Ўтган ҳафта Мисрнинг Даҳаб курорт шаҳарчасида содир этилган террорчилик ҳаракатида иштирок этганликда гумон қилинган уч нафар шахс Миср полицияси томонидан ҳибсга олиш операцияси давомида рўй берган отишмада ҳалок бўлди. «Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, полиция патрул хизмати Синай яриморотида ўтказётган рейд давомида гумонланувчиларнинг икки нафарига дуч келишди. Жангарилар полициячиларга қарата гранаталар отиб қочишга ҳаракат қилишди, бироқ гранаталар портламай қолган. Жавоб зарбаси натижа-сида икки жангари полициячилар ўқидан ҳалок бўлди. Жинорий тўданинг учинчи аъзоси ҳам полиция билан бўлиб ўтган тўқнашууда ўлдирилди. Айни шу ҳудудда террорчиликда гумон қилинаётган яна тўрт нафар шахс ушланди.

## Террорга ўрин йўқ

Миср ҳукумати Синай яриморотида содир этилган террорчилик ҳаракатларида «Синай бадавийлари» ташкилотининг қўли борлигини таъкидлади. Эслатиб ўтиш жоизки, 24 апрелда Даҳабда содир этилган учта портлаш оқибатида 18 киши ҳалок бўлган, 85 киши жароҳатланган. Маълумки, Мисрда 1981 йили президент Анвар Саодат ўлдирилгандан сўнг, фавқулодда вазият жорий этилган ва бу ҳолат ҳозирги кунгача амалда.



Миср президенти Хусни Муборак 2005 йилнинг сентябр ойида ўтказилган президентлик сайловларида фавқулодда вазият тўғрисидаги қонунни бекор қилишга ваъда берганди. Лекин яқинда мамлакат парламентига мурожаат этган Миср раҳбари фавқулодда вазиятни 2008 йилнинг охиригача ёки ҳуқуқат терроризмга қарши кураш борасида янги қонун ишлаб чиқилгунга қадар чўзишни таклиф этди.

## Янги бозор зарур



Халқаро бозорни ўрганиш сайёҳаракатлари зое кетмаган кўринади: Литва президенти Валдас Адамкус грузин виноси учун нафақат Литва бозори очилганини, балки Европа Иттифоқининг бошқа давлатларида ҳам уни сотишда литвалликлар ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. Литва раҳбарининг таъкидлашича, бозор иқтисодиёти шариоитида ҳуқуқат тадбиркорларга нисбатан ўз талабларини қўйишга ҳаққи йўқ. Бу борада литва ва грузин ишбилармонларининг ўзлари ташаббус кўрсатиб, ҳамкорлик режаларини ишлаб чиқишлари даркор, деб муносабат билдиради «Интерфакс» ахборот агентлиги.

4 май куни Вильнюсда Болтик бўйи ва Қора денгиз ҳудуди давлатлари раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Грузия президенти Михаил Саакашвили мазкур анжуманда грузин виноси муаммосини кўтармоқчи.

Европа ҳамда МДХ давлатлари бозорларида грузин виносини тарғиб қилиш масалалари юқлатилган Грузия мудофаа вазири Ираклий Окруашили вино ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга мурожаат этиб, Россия бозори борасидаги орзунчи тўхтатишни таклиф этди. «Рустави-2» телекомпаниясига интервью берган Окруашили «инсон нафақат ўз манфаати йўлида, балки Ватанга муҳаббат туйғуси билан яшashi кераклигини» айтиб ўтди. Шунингдек, Окруашили айрим грузин сиёсатчилари Россиянинг грузин виносини импорт қилишни бекор қилиш тўғрисидаги қарорини сиёсий ўйин дея баҳолаётгани хусусида тўхталиб, бундай айбловларни ўйлаб гапирishi кераклигини ва бу йўл билан грузин виносига Россия бозорига йўл очиб бўлмаглигини қайд этди.

«Вазият шундай экан, — дейди мудофаа вазири, — бошқа истъомол бозорларини ишғол қилиш зарур».

Ҳаммага бир қонда

Европа Иттифоқи АҚШдан экспорт қилинадиган айрим маҳсулотларга қўшимча тўловлар белгиледи. Гап шундаки, аввалроқ АҚШ ҳукумати Жаҳон Савдо Ташкилотининг низомига зид бўлган қонунларни жорий этганди. 2000 йилда қабул қилинган Берд ўзгартиришига кўра, АҚШдаги компанияларнинг хорижий ҳамкорларидан олинган қўшимча тўловлар айнан америкалик ишбилармонларга тарқатилади. Бу эса ЖСТ талабларига зиддир. Европа Иттифоқининг қарори мазкур қонунбузилишларга жавоб бўлади, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. Маълумотга айтилишича, агарда АҚШ юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни бекор қилмас экан, Оқ уй маъмурияти ЖСТнинг қонунларини бузаетган деб ҳисобланади ва Европа Иттифоқи томонидан АҚШ компанияларига нисбатан белгиланган тўловларни бекор қилиш борасидаги музокаралар орқага сурилади.



## Газ сарфни кўпаяди

Польша мудофаа вазири Радек Сикорский Шимолий Европа газ қувирини куриш режасига норози эканлигини билдирди, — деб хабар беради «BBC News» ахборот агентлиги. Польша ҳукумати номидан Брюссельда бўлиб ўтган йиғилишда нутқ сўзлаган Сикорский фикрича, Германия ва Россия ўртасида янги газ қувирини куриш тўғрисида имзоланган шартнома Европа Иттифоқига аъзо давлатлар юриётган ташқи сиёсат ва хавфсизлик тамойилларига мос эмас. Германия биринчи навбатда газ қувири курилиши борасида Польша билан маслаҳатлашиб олиш зарур эди.

Россиянинг Беларусдаги элчиси янги газ қувири ишга тушиши билан «Газпром» Германияга жўнатиладиган газнинг ҳажмини камайтирмасдан туриб, Беларусга етказиладиган газни ёпиб қўйиш мумкинлигини баён қилган эди. Беларуснинг газсиз қолиши Польшанинг ҳам газсиз қолиши демакдир. Чўнки, Польшага етказиладиган газ Беларус орқали келади. Эслатиб ўтамиз, Шимолий Европа газ қувири Болтик денгиз остидадан ўтади ва ундан Россиянинг Калининград вилояти, Финляндия, Швеция, Нидерландия, БуюкБритания давлатларига ҳам газ етказиш режалаштирилган. Лекин газнинг асосий қисми Германияга боради. Табиий газнинг катта қисми Россиянинг Ямал-Ненецк автоном округида жойлашган газ қонидан олинади. Ушбу лойиҳага 4 миллиард евро миқдорда маблағ сарфланиши режалаштирилган.

## НАТОга даъвогар

Россиянинг Қора денгиз флоти базалари Украина-нинг НАТОга аъзо бўлиб кириши учун тўсиқ бўла олмайди, — деб таъкидлади НАТО бош котиви вакили Жеймс Аппатурай.

«Украинская правда» газетасида ёзилишича, яқин кунларда Украина Ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк НАТОга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари билан бўлиб ўтадиган учрашууда Украинадаги сиёсий вазият, парламент коалицияси тузилиши ҳақида батафсил маълумот бериши лозим. Шунингдек, учрашууда Украина ҳамда ҳарбий блок-ўртасида ўтган йили Вильнюсда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар хусусида ва НАТОнинг ҳарбий операцияларида Украинанинг иштироки борасида сўз кетади. Аппатурайнинг таъкидлашича, шу йилнинг ноябр ойида ҳарбий блокнинг Ригада бўлиб ўтадиган йиғилишида Украинанинг ташкилотга аъзо бўлиб кириши масаласи ҳам муҳокама этилади. Аввалроқ Украина президенти Виктор Юшенко НАТОга аъзо бўлишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилотларро комиссия ташкил этиш тўғрисида фармон имзолаган эди.



## Ноқонуний намойишлар

Белорусдаги муҳолифатчи партиялар раҳбарлари Александр Миленкевич, Сергей Калыгин, Александр Бухвостов ва Винцук Вячорка ҳибсга олинди. Юқорида номлари келтирилган сиёсатчилар 26 апрелда ўтказилган «Чернобил шляхлари» норозилик намойишларини қонунга зид равишда ташкил этганликда айбланмоқдалар. Мазкур намойиш Чернобил Атом электр станцияси портлаганининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган эди. Уларнинг сафига яна бир ёш сиёсатчи — рўйхатдан ўтмаган «Еш фронт» ташкилотининг раҳбари Дмитрий Дашкевич ҳам қўшилди. Минск суди томонидан Дашкевич 26 апрел куни Миллий фанлар академияси биноси олдида қонунга хилоф равишда митинг ташкил этганликда айбдор деб топилди, 14 кунлик маъмурий жавобгарликка тортилди.



## Муҳолифат галабаси

Непалдаги тартибсизликларга чек қўйилди, деб хабар қилади «Reuters» ахборот агентлиги. Икки ҳафта давомида Непалдаги муҳолифатчи партиялар тарафдорлари мамлакат қироли Гянендрага қарши норозилик намойишини уюштирдилар. Қирол Гянендра исёнчиларга қарши кураш олиб бориш баҳонаси билан мамлакат парламентини тарқатиб юборган ва ҳокимиятни тўла ўз қўлига олган эди. Бирок, бу ҳолат демократия тамойилларига зид бўлгани боис, мамлакатдаги муҳолифатчи партиялар парламентни қайтадан тузиб конституцияга қирол ҳокимиятини чеклайдиган ўзгартиришлар киритишни талаб қилишган. Намойишлар давом этавергач, Гянендра мамлакат телевидениеси орқали халққа мурожаат этиб, парламентни чакришига розилик билдирган. Ўтган ҳафта 27 апрел куни Непалда янги Бош вазир тайинланди. Бу лавозимни муҳолифатдаги «Непал конгресси» партияси раҳбари 84 ёшли Гиржа Прасад Коирала эгаллади. Эслатиб ўтамиз, икки ҳафта давом этган норозилик намойишларида 15 киши ҳалок бўлган, юздан ортиқ тинч аҳоли жароҳатланган.

Саҳифани Internet хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

# Инсон қадрини муқаддас

**Прокуратура фахрийси Салим Хамроев 80 ёшини қаршилади. Бу ёш ортида қувончу шодликка, машаққату меҳнатта йўтирилган йиллар мужассам.**



Одамзот ўтган умрини, у бир кун олдин буладими, ун йил олдин буладими, кеча деб тилга олишга оdatланган. Салим Хамроев ҳам кечагина ёш бола эди. Кечагина азобу машаққатлар билан юридик маълумотни олаётган талаба эди... Бугун эса кўша-кўша неваро-ю зваралар орасида жонажон бобо. У киши иккинчи жаҳон урушида

ҳам қатнашиб, қанчадан-қанча қиргинбаротларни бошдан кечирди. Кўрсатган жасорати учун бир неча марта орден-медаллар билан мукофотланди.

Салим Хамроев 42 йилдан ортқ иш фаолиятининг қарийб 28 йили мобайнида Бухоро вилоят прокуратураси тизимида вилоят прокуратурасининг терговчиси, прокурор

## Тўйхат ўрнида

ёрдамчиси, Вобкент ва Шофиркон туманлари прокурори лавозимида самарали хизмат қилди.

Ишда ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиб, ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Шогирдлар етиштирди. Салим аканинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ва узоқ йиллик меҳнати ҳуқуқматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» унвони ва «Жасорат» медали билан тақдирланган.

Салим ака Хамроевга шу кўтулғу кунларда мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, oilавий тотувлик, хонадонига тинчлик ва осийшталик тилаймиз.

**Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийларни ихтимойи қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази**

## Китобингизни ўқиб...

Очилини айтганда, детектив китобларни ҳаммамиз яхши кўрамыз. Улардаги жиноятлару жиноятчилар, изқуварларнинг уларнинг ортидан қувниши ва турли-туман воқеа-ҳодисалар бағрига кириб кетгудек бўламиз. Бу хилдаги асарлар негиздаги умуминсоний гоёлар ва уларнинг тарбиявий масалалари бизни ўйлантириб қўяди.

Мен бу ўрнида, Эдгар По, Артур Конан Дойл, Агата Кристи ва ўзимизнинг Улмас Умарбеков, Тохир Малик сингари адибларнинг асарларини назарда тутаялман, албатта.



# «Терговда кўздан кечирш»

Таассуфки, детектив жанрини шунчаки «олди-қочди» сюжетлару «от-от», «қув-қув»дан иборат деб ҳисоблайдиган кишилар ҳам оз эмас. Бунга эса улар эмас, аслида айрим «ёзувчиларнинг ўзлари айбдор. Сабаби, улар энг аввало, қизиқарли воқеалар баёнига берилиб кетадилар, ўқувчиларни янада жалб этиш учун асарларини қотиллигу ўғриликлар, ўзравонлигу муттаҳамларга, отишмалару мушталашиларга тўлдириб ташлайдилар. Оқибатда детектив жанри талаб қиладиган энг муҳим ва назик жиҳатларни ё билмайди-лар, ё унутиб қўядилар, ёки бепарволик билан қарайдилар.

Зотан, устоз Улмас Умарбеков бир суҳбатда ўзининг детектив жанридаги асарлари хусусида сўз юритганида, «Детект унсурлар ўзи учун худди гаввосларга сув остига тушишга хизмат қиладиган скафандр вази-фасини ўтаганини» таъкидлаган бўлса, Тохир Малик «Детектив асарлар ҳам бадий асар эканлиги, энг муҳими, ундаги қизиқарли воқеалар эмас, балки уларнинг тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, детектив жанри эса бунинг учун бир восита вази-фасини ўтаганини» айтади. Бу фикрлар яқиндагина Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси томонидан нашр этилган «Терговда кўздан кечирш» номли китобни ўқиб чиққанамдан кейин тугилди.

Тўғриси, илгари мен ҳам, бир ёзувчи, бир китобхон сифатида жиноят содир бўлган жойда мурда ни кўздан кечирш ва қайд этишнинг процессуал-ҳуқуқий ҳамда криминалистик асослари ҳақида юзак тасаввурга эга эканман. Бу китоб мен жуда оддий деб билган жараённинг ниҳоятда мураккаб эканлигини кўрсатди, қўйди.

Одил Ёқубов, Пўлат Бақунов, Ислоҳ Жасимов, Хусан Файзиёв, Холикул Эргашев сингари қатор тажрибали ҳуқуқшунос-мутахассислар томонидан яратилган бу китоб назаримда жуда керакли, фойдали, қизиқарли ва зарур қўлланма. У нафақат ҳуқуқ-тартибот ходимлари учун, балки, ҳуқуқшунослик ва тиббиёт ўқув юрларида таълим олаётган талабалар учун ҳам қимматли, амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Китобга сўз бошга ёзган юридик фанлари доктори, профессор З.Зариповнинг таъкидла-

нидек, ушбу қўлланманинг яра-нишлишида муаллифлар томони-дан қуйидаги икки ҳолатнинг эътиборга олингани уларнинг ютуғидир.

«Биринчидан, — деб ёзади сўзбоши муаллифи, — бу китобда илк бора тергов жараёнида ҳодиса содир бўлган жой, шу билан бирга мурда ва айниқса, шахси номаълум мурда топил-ганда кўздан кечириниши самарали ўтказиш учун амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда криминалистик усул ҳамда воқеа-ҳодисанинг таърифи ва қис-таларни тўғри қўллаш бўйича назарий тавсиялар баён этилган. Чунки, ҳозирги кунда тергов амалиётида бу каби тавсиялар асосида иш юритиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳаёт-нинг ўзи кўрсатмоқда. Бинобарин, муаллифлар баъзи илмий адабиётлардан фарқли ўлароқ фақатгина муаммони кўтариш билан чекланмасдан, уни ечиш учун зарур амалий тавсияларни ҳам ишлаб чиқишга ҳаракат қил-ганлар.

Иккинчидан, китобда шахснинг ҳаётига таъвоуз қилиш жиноят-ларининг криминалистик таъри-фининг ҳозирги кунда ўриш-ган ютуқлари асосида тўғри ва атрофилга ёритилган. Шу билан бирга, жиноятларни содир этиш механизми қонуниятлари асоси-да ушбу жиноятларни содир этиш ва ашириш усулларига ҳам назарий баҳо берганлар».

Маълумки, бугунги кунда жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олиш ҳамда содир этилган жиноятларни ўз вақтида очиб ўчин самарали усул ва воситаларни қўллаш дарв талаби бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, криминалистика усул ва воситаларини тўғри қўллаш муаммоларини ечиш ҳам назарий ва амалиёт олдига бирдек вази-фа юклатмоқда.

Айниқса, тергов жараёнида нафақат кўздан кечирини, балки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда юқори самарга эри-шиш учун ҳам ҳар бир ходимдан зарур билим ва маҳорат талаб этилади.

«Терговда кўздан кечирини» китобни эса, ана шу йўлда, айна қогда саргузашт-детектив жанрида ижод қилувчи биз ёзувчилар учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб қолишига ишонгинг келади.

**Эркин УСМОНОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

## ТАБАССУМ

Насриддиннинг қулағи оғриб, шашиб кетди. Унинг наптардек тилига кўп марта дучор бўлган қўшини бунор кўриб қолиб, истеҳзо билан деди:

— Вой-бо! Мулда Насриддин, бунақанги антика шаш қулағини қардан топдингиз?

— Э, сўраманг, қўшиқчи, — деди унга жаваб Насриддин, — шашқини мингисин энг еб қўйган экансиз, менга фақат қулағи қолибди...

Насриддин табибнинг ҳузурига келиб, томирини кўриб қўшини ялғимос қилибди-ла, қўшиб қўйибди:

— Кейин қандай касални борлигини айтгин.

— Сиз бор-йўли очсан, — деди табиб унинг қўлини ушлаб кўргандан сўнг. — Ҳозир тушуб пайти, менинг меҳмоним бўлинг.

Улар биргаликда оқдотлашиб бўлиш-ди. Насриддин уйига кета туриб, табибга деди:

— Сизнинг қўлинигиз жуда ҳам енгил экан, мени бир палса тузатиб қўйдингиз. Уйимда яна бир кеча киши худди шундай касаллик билан оғриган. Уларинг ҳам сизнинг олдиптига юбораман.

## Қизиқарли факт

Инсон юраги бир кунда 2 минг литрга яқин қонни айлантириб, 100 минг мартадан кўпроқ уради.



## Спорт

# «Пахтакор»га раҳмат! «Машъал»га омад!

Омад келса қўшалок бўлиб келади. ОЧЛда қатнашаётган икки жамоамиз — «Пахтакор» ва «Машъал» 26 апрелда бўлиб ўтган ўз гуруҳларидаги навбатдаги тур уррашуварларида муваффақиятга эришишди.

Қаршидаги «Насаф» стадионида Саудия Арабистонининг «Ал-Хилол» клубини қабул қилган муборакликлар ўйинида қўйинчилик билан бўлса-да зафар қўчишди: 2-1. Ботир Қораев, Зафар Холмуродов («Машъал»дан), Абдуллоҳ Жуман («Ал-Хилол»дан) — голлар муаллифлари бўлишди. Бу ғалабадан сўнг Виктор Жалилов шогирдлари ҳадвалда 2-ўринга кўтарилиб олишди.

Техрондаги «Дастгардий» стадиониде кечган «Фулад» — «Пахтакор» ўйинида ҳам омад яна юртдошларимизга кулиб боқди. Дастлаб, 35-дақиқада Майсам Сулаймоний форс жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлса, 2-таймининг биринчи 10 дақиқасида «Пахтакор» футболчилари Иброҳим Мирзапур қўриқлаган дарвозани уч марта аниқ нишонга олдилар. 46-дақиқада Р.Байрамов, 48-дақиқада В.Кирия ва 56-дақиқада З.Тожиёвлар гол киритишди. Мазкур ғалаба «Пахтакор»нинг 1/4 финалга чиқиш имкониятларини янада оширди.

Бугун Суриянинг Алеппо шаҳрида маҳаллий «Ал-Иттиҳод» жамоасига қарши майдонга тушадиган «Пахтакор»ни қайсибир маънода дурранг ҳам қонқитиради. Лекин Қаршида Ироқнинг «Ал-Минаа»сига қарши ўйнайдиган «Машъал»га энди фақат ғалаба керак.

Биз ҳар иккала жамоамизга фақат омад ва зафар тўлаб қоламиз.

**«А» гуруҳи**

Пахтакор	4	3	0	1	8:3 (+5)	9
Ал-Қодисия	4	2	1	1	5:9 (-4)	7
Фулад	4	1	1	2	7:5 (+2)	4
Ал-Иттиҳод	4	0	2	2	2:5 (-3)	2

**«В» гуруҳи**

Ал-Айн	4	3	1	0	7:3 (+4)	10
Машъал	4	2	1	1	4:7 (-3)	7
Ал-Ҳилол	4	2	0	2	9:5 (+4)	6
Ал-Минаа	4	0	0	4	3:8 (-5)	0

Элмурод Нишонов,

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

## Сизнинг фикрингиз қандай?

Ҳурматли газетхон! Газетамизнинг янада мазмунли ва қизиқарли чиқиши Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга боғлиқ.

Газетамиз саҳифаларида қандай материаллар ўқини хоҳлайсиз? Сизнингча, биз ҳаётимизнинг қайси баҳалларини етарлича ёритолмаямиз? Балки сизнинг ҳам ўз айтар сўзларингиз бордир.

Тақлифларингиз бўлса, бизга қўнғироқ қилинг! Агар бунинг иложини тополмасангиз ёзма шаклда электрон почтамызга ёки Тошкентдаги почта манзилимызга юборинг. Сизлардан келган тақлифларингиз ҳеч бири эътиборсиз қолмайди.

Марҳамат, фикр билдиринг.

Телефон: (371) 133-10-53, 133-98-40  
E-mail: huquq@list.ru

## Афоризм

Ҳақиқатни ёмон кўрадиган одамлар уни дадил айтадиганларни ҳам ёмон кўрадилар.

ФЕЛЕНОН

## Ҳарфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзини аниқланг.

ЕФ ЕНИ РБИ АИ
ИНИИЯ САЦ ТН
АЦИ ТЛИЯ ИЕБ РА
РАШ ГФНИ НИЗ
ЙАЛА НБН АЛМИ
ЭП НКСЕ ТЕМИР

Ўтган сондаги ребус жавоблари: юрисдикция, картотека, ратификация, экспедиция, мажбурият, мутасадди

**HUQUQ** yuridik gazeta

**Та'сисчи:**  
**Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси**

**Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib), Pirmuqol QODIROV, Abdusolih ABDURAZZOQOV

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Телефон: 133-98-40, 133-26-62.  
E-mail: Info@huquq.uz.  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* kelgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 756.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatdagi muharrir: D.ESHMURODOV**  
**Musohirlah: A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonа manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta haftaniga chiqarilgan chorsanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2 3 4 5 6 7 8